БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 10 (16.396). | 14 январь 1976 йил, чоршанба | Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида техника ихлосмандлари кўп. Улар ўзларига бириктирилган агрегатларни юксак унумда ишлатиб, дала ишларини комплекс механизациялашда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу йил ҳам колхоз механизаторлари эниш мавсумига пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шу кунгача 26 эниш селкаси 26 чопиқ ва 14 та ҳайдов трактори, 80 борона мавсумга шайлаб қўйилди. Суратда: механизатор Рихсивой Шофайзиев ва колхоз инженери Мингаҳмад Зангиотаев ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ БЕШ ЙИЛЛИГИ

ИШЧИЛАР СИНФИ ЁШ АВЛОДИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ҳар бир касбнинг ўзига ҳос машаққати ва завқи, ташвиши ва лаззати бор. Аммо завод ва фабрикада ишчилар билан ёнма-ён, поёнсиз далаларда пахтакор, чорвадор, галлакор, сохибкор билан елкама-елка туриб, чўлни бўстонга айлантираётганлар қаторида қўлни-қўлга бериб, меҳнат қилишнинг ўзгача завқи, ўзгача шавқи бор. Ғишт ва йиғма темир-бетонлардан бинолар тиклаш, темир уюмларидан ноёб машиналар, асбоб-ускуналар ясаш, электроникани сеҳрли оламига саёҳат қилиш, радио, радиола ва телевизорларнинг «тили»ни билиш... Буларни санаб адоғига етиш қийин. Фақат шуни ёдда тутмоқ керакки, шоир айтганидек, китобни олган ҳамони, шуни яхши англаб ол, ҳунарнинг йўк ёмони, ёққанини танлаб ол! В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида Маманазар ва Нафиса Отабоевалар ишлашади. Уларнинг фарзандлари ҳам ишчи касбини улуғлаб ота-она изидан боришди. Эндиликда Мухтабар, Муқаддас, Ғафур, Зокир, Маъмур ҳам шу бирлашмада меҳнат қилишаётир. Республикамизда ишчи шарафини улуғлаётган бундай оилалар кўплаб топилади.

Мамлакатимизда ёшларнинг илм олиши ва бирор касб-кор ўрганиши учун барча шарт-шароит муҳайё. Умумий ўрта таълим-га ўтиш билан ўнинчи синфни битирувчи ёшлар сони янада орта боради. Бироқ мамлакатимизнинг олий ўқув юртлари уларнинг фақат беш бирнигина қабул қила олади. Шундай экан, олий ўқув юртларига киролмаганлар нима қилиши керак? Улар ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар сафига қўшилиб, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ўз ўринларини эгалламоқлари лозим.

Мамлакатимиз ишчи, колхозчи ва хизматчилари меҳнатининг мазмуни ва характерида рўй бераётган туб ўзгаришлар, эски касблар ўрнига янгилари юзага келаётгани, ишчи ва колхозчи деҳқонларнинг умумий ва махсус тайёргарликларига бўлган талабларнинг орта бораётганлигини айрим ёш-лар, қолаверса баъзи ота-оналар ҳали ҳам тўла тасаввур қилолмаётирлар. Ўқувчиларга мураккаб машиналарни бошқарувчи ҳозирги замон ишчисининг, қишлоқ механизатори, маиший хизмат кўрсатиш ходимининг улуғвор меҳнатини, тикувчи ва тўқувчи, шоферлик ва электр монтерлик, қурувчи ва экскаваторчи, слесарь ва токарь, ошпаз ва сотувчи санъати, медицина ҳамшираси ва бўёнчи хизматини, шунга ўхшаш қатор касб-ҳунарларнинг моҳиятини, керак ва зарурлигини тўла тушуниб етишишлари учун ёрдам бермоқ керак.

Бизнинг давримиз — улкан фан-техника революцияси асридир. Бу революция жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади, ҳар бир киши олдига, унинг билимлари, касб-ҳунар тайёргарлигига янгидан-янги талаблар қўяверади. Бу нарса ёшларни ва уларнинг ота-оналарини кўпроқ ўйлатиши, тўлқинлантириши керак. Чунки, ёшлар — бизнинг келажагимиз. Давлатимизнинг моддий ва маънавий қудратини янада кўпайтира бориш борасидаги ҳамма иш ва ташвишлар ёшлар зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам ўз билимларини мутасил тўлдириб ва чуқурлаштириб бориш, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштириш вазифаси ёшлар олдида ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ бўлиб турибди. Бу эса фақат ҳозирги ва бўлғуси инженерлар, техниклар ва бошқа мутахассисларгагина эмас, балки бўлажак ишчиларга, колхозчи-деҳқонларга ҳам тааллуқлидир.

Бизда янги типдаги ишлаб чиқарувчи — ишчилар ва колхозчи-деҳқонларнинг янги авлоди ўсиб етилмоқда. Улар ҳозирги замон мураккаб лазерли технологик қурилмаларни, электрон-ҳисоблаш машиналарни, гигант трубиналар, генераторлар, реакторлар, чуқур билим талаб қиладиган кимёвий ва физикавий жараёнларни, ноёб асбоб-ускуналарни моҳирона бошқарувчи кишилардир. Улар камтарин, меҳнатсевар, ғоятда интизомли, ташаббускор ва новатор ишчилардир. Улар комбайнда ғалла ва шолини ўраётган механизаторлар, сут соғувчи операторлар, пахта териш машиналарининг чавандозлари бўлган механик-ҳайдовчилардир. Осмонўпар бинолар тиклаётган қурувчилардир. Чўлга оби-ҳаёт етаклаётган гидротехник, ирригатор ва мелиораторлардир.

Олтинлар ва тўқиларнинг ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган новатор ишчиларнинг номи ҳаммамизга маълум.

Пахтачилик илмининг академиклари — Турсуной Охунова, Энвер Алиев, Жавод Кўчиев, Бобошер Шоёқиев, Тўлан Дадажонов, Абдусаттор Қурбонов, Абдусамад Саидмуродовлар номи эл оғзидан тушмайди. Чунки улар тўғри касб танлаганликлари ва уни эъзозлаб ардоқлаганликлари учун меҳнатда камол топиб ўз соҳасининг ташаббускорлари бўлиб қолишди.

Мамлакатимизда ўсиб етишаётган янги типдаги ишлаб чиқарувчи кучда жисмоний ва ақлий меҳнат тобора гармоник тарзда уйғунлашмоқда. Бу — касб соҳасида кенг билим ва маҳоратга эга, замонавий ишлаб чиқариш политехника асосларини чуқур биладиган, энг янги машиналарни ва технологик жараёнларни тезда ўзлаштириб олишга қобил бўлган кишидир.

Ҳунар-техника таълими системасининг шонли йўлига назар ташласак, номи етти иқлимга машҳур бўлган, аql-заковати ва жасорати ёқа ушлатган амойиб ватандошларимизнинг номини учратамиз. Космик кемаларнинг бош конструктори академик Сергей Павлович Королев ҳам йигирманчи йилларда қурилиш мактабини битирган эди. Биринчи космонавт Юрий Алексеевич Гагарин урушдан кейинги қийин пайтларда ҳунар мактабини тамомлаб чиққан. Королев билан Гагаринниинг амойиб тақдири меҳнат аҳлига, ёшларимизга социализм қандай кенг майдон ва имкониятлар очиб бераётганлигини кўрсатувчи жуда яққол мисолдир.

Республика ҳунар-техника таълими ҳам ўзининг 35 йиллик фаолияти даврида етти юз минг йигит ва қизга турли касб-ҳунар ўргатди. Улар орасида Турсуной Охунова, Қурбон Кенжаев, Исомиддин Арабов, Мария Ковалева, Саид Мамажонов, Хўжа Оқилов каби кўплаб амойиб кишилар бор.

Ҳозирги кунда республикамизда 273 та ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларда юз мингдан зиёд йигит ва қиз турли ихтисослиқлар бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда.

Ёш замондошларимиз — саккизинчи ёки ўнинчи синфни битирган ҳар бир йигит-қиз ўзини қизиқтирган соҳа бўйича ҳунар-техника билим юртларида касб-кор ўрганишлари ва чуқур билим олишлари мумкин. Ҳозир республикамизда 80 дан зиёд ўрта ҳунар-техника билим юрти мавжуд. Бу ерларда ўқувчиларга бирор касб ўргатиш билан бирга ўрта маълумот ҳам берилади. Кўриниб турибдики, ҳунар-техника билим юртлари келажакда ўрта махсус ўқув юртинки!г янги формаси бўлиб қолади. Ҳар бир касбнинг ўзига хос завқ-шавқи бор. Энг муҳими, у ёки бу касбни танлашда қалб амрига қулоқ солиш, ўз лаёқат ва қобилиятини ҳисобга олиш, касбга онгли муносабатда бўлиш лозим. Бу борада оила, мактаб ва оталиқ ташкилотлари, ёшларни касб танлашга йўналтирувчи советлар ёшларимизга яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Утган йили Ўзбекистон Ленин комсомоли юз минг механизатор кадр тайёрлаш ташаббуси билан чиққан эди. Эндиликда қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида кўплаб малакали механизатор кадрлар тайёрланмоқда.

Халқ хўжалиги ўз ривожланишининг ҳозирги босқичида ўрта маълумотли, кўп сонли малакали ишчилар, деҳқонлар отрядига муҳтож. Вазифа шундан иборатки, ҳунар-техника билим юртлари бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам ёш ишчилар, колхозчилар тайёрлашни ўз зиммасига олди. Чунки улар таналб олинган мутахассислик бўйича ёшлар ишлаб чиқариш таълими даврида бевосита ололмайдиган комплекс билимларни беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанлар ишлаб чиқариш шароитига тезроқ қўникадилар, мутахассислик малакасини тезда ҳосил қиладилар. Ҳозир республикамизда ҳар бир юз йигит ва қиздан фақат 20 нафари мустақил ҳаёт йўлини ҳунар-техника билим юртининг дипломи билан бошлайди. Ҳунар-техника билим юртини тамомлаб чиқувчиларнинг ярми ва бундан ҳам кўпроғи машинасозлик, химия, электротехника, бинокорлик, енгил саноатнинг кўпчилик етакчи касбларини эгалламоқдалар. Юз йигит ва қиздан 20 нафарининг дипломга эга бўлиши бизни асло қаноатлантирмайди. Шу сабабли мамлакат яқин келажакда ёш ишчиларнинг ҳаммаси ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб, сўнг ишлаб чиқаришга боришлари вазифасини қўймоқда.

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида: «Ўрта ҳунар-техника ва техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш 2 баравардан зиёд кўпайтирилсин. Ҳунар-техника таълими системасида тахминан 11 миллион, шу жумладан ўрта маълумотли 5 миллионга яқин малакали ишчи тайёрлансин. 1,1-1,2 миллион ўринли ҳунар-техника билим юртлари, шунингдек, ўқувчилар учун зарур миқдорда ётоқхоналар фойдаланиш учун топширилсин» дейилган. Республикамизда ўнинчи беш йиллликда 109 та ўрта ҳунар-техника билим юртлари комплекси қурилади.

Вазифа шундан иборатки, партия, совет, касаба союз, комсомол ва халқ маорифи органлари ҳар бир ёш бирор касб эгаси бўлиши ҳақида конкрет иш олиб боришлари, ёшларни касб танлашга йўллашда мактаб, оила ва оталиқ ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ишчи ва деҳқонларнинг муносиб ўринбосарларини етиштиришга самарали ҳисса қўшсин.

МАҲСУЛОТ ТОПШИРИШ КЎПАЙМОҚДА

ХИВА, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали олинди). Район чорвадорлари КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни тайёрлов пунктларига топширишни кучайтирмоқдалар.

Фрунзе номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш уч квартал планини бажардилар, улар ҳозирдаёқ ўтган йилнинг шу кунларидагига нисбатан 5 минг килограмм кўп бўрдоқи ва сўқим гўшти етказиб бердилар. «Партия XX съезди» колхози 10 минг килограмм гўшт тайёрлаб, ярим йиллик пландан ўзиб кетди. Ленин номли, Бируний номли колхозларнинг чорвадорлари биринчи кварталда чорва маҳсулотлари тайёрлаш планларини анча ошириб адо этдилар, айни пеада гўштни ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 3-4,5 тонна кўпайтирдилар. Маҳсулотларнинг ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинди.

Район хўжаликларида сут ва тухум тайёрлаш ҳам кўпайтирилмоқда. Сигир соғувчилар сут соғишни 30 центнер кўпайтириб, паррандабоқарлар кўзда тутилганидан 15 минг дона зиёд тухум армуғон этдилар.

ТЕХНИКА КЎКЛАМГА ШАЙ

Марҳамат районидаги Қуйбишев номли колхоз механизаторлари тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасининг кўкламга шайлиги тўғрисида Андижон областида биринчи бўлиб рапорт бердилар. 20 та ҳайдов трактори ва 80 дан кўпроқ чопиқ трактори, сеялкалар, культиваторлар, дискли бороналар, ер текисловчи машиналар, ерга гербицид сепадиган мосламалар ва кўпгина бошқа техника кўкламги дала ишларига тайёрлаб қўйилди.

Колхозда техника хизмати яхши йўлга қўйилганлиги, механизаторларнинг ўзлари машиналарга эҳтиёткорлик билан қараганликлари туфайли ремонтнинг ана шундай юксак суръатларига эришилди.

Колхоз 17 та тракторни ремонт қилиш учун «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг хизматидан фойдаланди. Колган техниканинг ҳаммаси ва прицеп механизмлар колхоз усталари томонидан ремонт қилинди.

(ЎзТАГ).

ҚУТЛУҒ ҚУТЛОВ

К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИДАН РЕПОРТАЖ

13 январь. Эрталаб соат 11.25. Корхона цехларидан чиққан ишчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар гуррос-гуррос бўлишиб 14-цех томон оқиб кела бошладилар. Улар қўлларида партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретларини, қип-қизил алвонларга ёзилган транспарантларни кўтариб олишган. Уларда «Партия режалари бизнинг режалар!», «Меҳнатимизни юксак қадрлаган жонажон коммунистик партияга раҳматлар бўлсин!», «КПСС XXV съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтаси!» деган юрак сўзлари битилган, Ҳамманинг юзида табассум, қалбида ҳаяжон. Кайфиятлари яхши.

Машинасозлар бу ерга кечагина матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг завод коллективи номига улар эришган катта меҳнат ғалабаси билан йўллаган табрикномаси муносабати билан йиғилишди. Коллектив тарих соатларининг ана шундай тантанали дамларига тўқкизинчи беш йиллик давомида эўр жасорат билан меҳнат қилганликлари туфайли етиб келди. Ишлаб чиқаришни социалистик мусобақаси асосида ташкил этган ташсельмашчилар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар. Пахта етиштириш ва териш учун техника етказиб берувчи корхоналар орасида етакчи ўринга чиқиб олди. Мамлакатга «оқ олтин» етказиб бераётган барча республикалар пахтакорларининг меҳнатини механизациялашда катта роль ўйнаётир.

Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида завод маҳсулот ишлаб чиқаришни 45 процент кўпайтирди ва уни тайёрлаш жараёнидаги меҳнат сарфини карийб ярим баравар камайтирди. Янги «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли пахта териш машинасини кўплаб ишлаб чиқариш кенг ўзлаштирилди. Ундан фойдаланиш туфайли пахтачиликда меҳнат унумдорлиги анча ошди.

Соат 11.30. Цех тўрида митинг учун тайёрланган минбарга министрликлардан, Тошкент шаҳар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан келган вакиллар, корхона раҳбарлари ва ишлаб чиқариш илғорлари чиқадилар.

Завод партия комитетининг секретари ўрток С. Тожиев гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қутловига бағишланган митингни очиқ деб эълон қилади.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўрток А. А. Хўжаев КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг табрикномасини ўқиб эшиттирди ва корхона коллективини Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, пойтахт область ҳамда шаҳар партия комитетлари номидан самимий табриклади.

Завод тараққиёти ҳақида айтилган илиқ гаплар хаёлимизни узоқ-узоқларга бошлади. Бўз этакдан пўлат этаккача бўлган ярим асрлик давр, кичик устахона ўрнида қад кўтарган йирик машинасозлик корхонаси, завод билан бирга унинг бағрида ўсиб етишган меҳнат одамлари — ҳаммаси кўз олдимиздан ўтди.

— Табрик бизни ўнинчи беш йилликда ҳам фидокорона меҳнат қилишга чорламоқда, — деди завод директори ўрток И. Х. Мусин, — партиянинг «куч ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда кўпроқ, яхшироқ, сифатли маҳсулот» тайёрлаб бериш шиорига жавобан ҳар бир машинасоз металлни иқтисод қилишга алоҳида эътибор берди. Ҳар йили ўрта ҳисобда бир процентдан қарийб 5 процентгача металл тежаб қолдик. Бу, ҳозиргача салкам 300 та қўшимча машина ишлаб чиқариш имконини берди. Корхонамизда сўнгги вақт ичида қатор участкалар кенг реконструкция қилинди, кенгайтирилди, ишлаб чиқариш қуввати ортди, янги-янги ускуналар ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси — ўтган ҳар бир йил учун каттакатта ютуқлар келтирди.

Шундан сўнг корхона ишчиларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Ефремов, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин орденли слесарь Маҳмуд Мўйдинов, шаҳар советининг депутати, полирофкачи Багда Сўнишбоева, қуюв цехи бошлиғи Геннадий Нагулин ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар партия ва ҳукуматга корхона коллективининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун ўз миннатдорчиликларини билдирдилар ва қутлов ташсельмашчиларни янги марраларга чорлаяжаги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Кейинги беш йилликларда — деди завод директори ўрток И. Х. Мусин, — партиянинг «куч ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда кўпроқ, яхшироқ, сифатли маҳсулот» тайёрлаб бериш шиорига жавобан ҳар бир машинасоз металлни иқтисод қилишга алоҳида эътибор берди. Ҳар йили ўрта ҳисобда бир процентдан қарийб 5 процентгача металл тежаб қолдик. Бу, ҳозиргача салкам 300 та қўшимча машина ишлаб чиқариш имконини берди. Корхонамизда сўнгги вақт ичида қатор участкалар кенг реконструкция қилинди, кенгайтирилди, ишлаб чиқариш қуввати ортди, янги-янги ускуналар ўрнатилди. Буларнинг ҳаммаси — ўтган ҳар бир йил учун каттакатта ютуқлар келтирди.

Юқоридаги суратларда: Митинг пайти. Минбарда Узбекистон ССР Олий Совети депутати, корхона слесари М. Мўйдинов.

А. Тўраев фотолари.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЯКДИЛЛИГИ

ҚЎНҒИРОТ, 13 январь. (ЎзТАГ). Бугун Қўнғирот районининг меҳнаткашлари қувончли, тўлқинлантирувчи воқеани бошдан кечирмоқдалар — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Республика Министрлар Совети пахта ва шоли етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан беш йиллик топшириқнинг муваффақиятли бажарилганлиги билан уларни қутладилар.

Пахтакорлар ва шоликорлар, сигир соғувчилар ва чўпонлар, саноат корхоналарининг ишчилари ва қурувчилари, хизматчилар ва маиший хизмат ходимлари — ғоят хилма-хил касб эгалари ва турли ишлар билан шуғулланувчи кишилар ғалаба қувончини биргаликда баҳам кўриш ҳамда ўз ҳамюртларининг хизматларига муносиб баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этмоқ учун митингга тўпландилар.

Митинг қатнашчилари ўз сўзларида ўнинчи беш йилликни қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида тағин ҳам юқорироқ кўрсаткичлар билан нишонлаймиз, деб партия ва ҳукуматни ишонтирдилар. Улар фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқлари билан қуроллаланажакларини, новаторларнинг методларини дала ва фермалардаги ишлаб чиқариш цехларидаги барча меҳнаткашларнинг мулки қилажакларини ҳам айтдилар. Чапаев номли совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бекниёзов, «Қўнғирот» совхози бўлимининг бошқарувчиси А. Шукуриллаев, «Равшан» совхозининг бригадири Ж. Кенжабоев, «Қўнғирот» совхози партия комитетининг секретари Н. Отамуротов ва бошқалар шу ҳақда гапирдилар.

Митинг қатнашчилари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати номига мактуб йўлладилар. Мактубда бундай дейилади: Қўнғирот районининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 17 минг тонна пахта сотиш ва 45 минг тонна шоли етиштириш, илғор агротехникадан кенг фойдаланиб, ҳар гектар ердан 30 центнер «оқ олтин» етиштириш, шоли ҳосилдорлигини 52 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

ШУР ЮВИНГ, ЯХОБ БЕРИНГ!

Республика областларида ерларнинг шўрини ювиш, запас суғориш ва ички хўжалик суғориш тармоқларини тозалаш тўғрисида 1976 йил 12 январга бўлган МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — шўр ювиш; учинчи стун — запас суғориш, тўртинчи стун — ички хўжалик сув тармоқларини тозалаш.

ҚҚАССР	18,7	—	6,0
Андижон	56,7	31,4	83,3
Бухоро	9,0	10,0	37,8
Жиззах	67,9	39,6	5,7
Қашқадарё	—	—	17,9
Наманган	34,3	18,2	22,8
Самарқанд	15,0	4,9	56,4
Сурхондарё	21,0	65,7	7,6
Сирдарё	94,2	90,8	26,5
Тошкент	110,0	104,4	68,3
Фарғона	39,8	34,8	60,9
Хоразм	15,9	—	55,6
Республика бўйича	26,1	34,5	32,6

ЯНГИЛИКЛАР

◆ **СВЕРДЛОВСК.** Уралмаш лойиҳаловчилари «2000» янги беш катакли стан конструкциясини ишлаб чиқишни тамомладилар. Стан конструкциясига тўхтовсиз прокат принципи асос қилиб олинган. Станнинг унумдорлиги аввалги шунга ўхшаш агрегатларникига нисбатан 15 процент ортиқ. Лента-заготовканинг уалуксиз прокатка қилиниши совуқ пўлат маҳсулоти сифатини анча ошириш имконини беради.

◆ **ОЛМАОТА.** Калинин номли Чимкент қўрғошин заводида автоматлаштирилган шахта эритиш печи дастлабки металлни ишлаб чиқара бошлади. Бу печнинг ишга туширилиши билан қўрғошин чиқариш беш процент ортади, нодир ва қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш кўпаяди.

◆ **КЕМЕРОВ.** «Кузбасуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Первомайская» шахтасининг иккинчи навбати ишлай бошлади. Шу тариқа бу янги кўмир корхонасини қуриш батамом тугалланди. Эндиликда корхона коллективи 1,8 миллион тонна ёқилғи чиқариб беради. Шахтада кўмир қазиш ва кўмир ортиш жараёнларининг ҳаммаси механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди.

◆ **КИЕВ.** Киев областининг колхозлари билан совхозлари ерни ишлайдиган ва экин экадиган машиналарнинг ҳаммасини Украинада биринчи бўлиб тахт қилиб қўйдилар. Область механизаторлари тўқкиз мингтадан зиёдроқ селкани, қарийб шунча культиваторни, саккиз мингдан кўпроқ плугни, қарийб мингта картошка ўтказадиган машинани ремонт қилиб қўйдилар. Хўжаликларда мавжуд бўлган ҳар юзта трактордан 84 таси кўкламда далага чиқариш учун тахт қилиб қўйилди.

◆ **КРАСНОДАР.** Краснодар ТЭЦнинг иккинчи газ турбинаси бугун Шимолий Кавказ бирлашган энергия системасига саноат токи берди. Бундай қурилмалар одатдаги энергия блокларига нисбатан ишга туширишда ва тўла қувват билан ишлаш учун тахминан уч баравар кам вакт талаб қилади. Электр энергиясини истеъмолчиларга беришни тез кўпайтириш зарур бўлиб қолган чоқда бу эса ғоят муҳимдир.

(ТАСС).

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

РАҚАМЛАР САЛМОҒИ

Совет кишилари 1976 йилга қувончли режалар билан қадам қўйдилар. Ўтган йилимиз эса коммунистик қурилишнинг қаҳрамонона солномасига ажойиб сатрлар битган тўққизинчи беш йилликнинг муносиб гултожи бўлди. Тўққизинчи беш йиллик иқтисодий ишлаб чиқаришнинг юксалиши жиҳатидан мамлакатимиз тарихида энг самарали ва салмоқли беш йилликлардан бири бўлиб қолди. Ҳеч қайси беш йилликда совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган социал вазифалар бу қадар кенг кўламда ҳал этилмаган эди.

Бу вазифаларни бажаришда савдо ходимлари ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшганликлари билан фахрланамиз. Мамлакатимизнинг, республикамизнинг халқ хўжалигини юксалтиришда эришилган улкан муваффақиятлар аҳолининг саноат ва озиқ-овқат товарларига эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун шарт-шароит яратди, савдонинг моддий-техника базасини тез юксалтириш учун шароит вужудга келди. Республика савдо ходимлари ана шу имкониятлардан фойдаланиб тўққизинчи беш йилликда ўз олдиларида турган вазифани муваффақиятли ҳал этдилар.

Беш йил мобайнида давлат ва кооператив савдосида чакана товар оборати 45,8 процент ўсди ва 7 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шу вақт ичида аҳолига планга қўшимча равишда 327 миллион сўмлик хилма-хил товарлар сотилди.

Ўтган беш йилликда товар оборати тез ўсишгина қолмай, шу билан бирга унинг структурасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Яъни саноат маҳсулотлари савдоси юксакроқ суръатлар билан ўсди. Умумий товар оборотида саноат маҳсулотлари салмоғи 50,2 процентдан 52,5 процентга етди.

Беш йилликда саноат маҳсулотлари савдосида товар обороти 55 процент ўсгани ҳолда кийим-кечак сотиш 44 процент, чарм-пойафзал 30 процент, гилам ва гилам поёндозлар сотиш 2,5 баравар, мебель савдоси 2 баравар, чинни идишлар савдоси 2,5 баравар ошди.

Аҳоли маданий, хўжалик ва рўзғор буюмларини кўпроқ харид қиладиган бўлиб қолди. Булар холодильник, кир ювиш машинаси, телевизор ва радиоприёмник, автомобиль каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарлардир. Айниқса енгил автомобилга талаб тобора ортиб бормоқда. Саккизинчи беш йилликда аҳолига 12,2 минг дона автомобиль сотилган бўлса, тўққизинчи беш йилликда 92,2 минг дона сотилди ёки автомобиль савдоси саккиз баравар ўсди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрган тадбир-чоралар туфайли кўпгина муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларининг фонди ўсди ва аҳолининг талабларини тўла қондирмоқда. Яқинигинада ҳам камёб ҳисобланган кўп турдаги товарлар ҳозир магазинларда истаганча топилади.

Озиқ-овқат товарлари сотиш 1970 йилдагига нисбатан 36 процент ўсди. Бунинг устига гўшт, сут, тухум, шакар, балиқ, мева, сабзавот каби қимматли озиқ-овқат маҳсулотларининг савдоси анча кенгайди.

Қишлоқ жойларда товар обороти жадал суръат билан ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда савдога келаётган радиоприёмниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари, мотоциклар, мопедлар, енгил автомашиналарнинг деярли ярми матлубот кооперацияси магазинлари орқали қишлоқ меҳнаткашларига сотилмоқда. Баъзи турдаги товарлар эса қишлоқ меҳнаткашларига кўпроқ етказиб берилмоқда. Бу фактлар партиямизнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш даражасини бирбирига яқинлаштириш сиёсати изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Умумий овқатланишни ривожлантиришда ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Беш йилликда унинг товар обороти 194 миллион сўм ўсди ёки деярли бир ярим баравар кўпайди.

Аҳоли даромадларининг ўсиши билан харидорларнинг товарларнинг хилига, сифатига ва ташқи безагига талаби ортди. Бу эса савдо ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Улар қандай товарларга эҳтиёж борлигини ўрганишлари, бугунги куннигина эмас, балки келажакни ҳам кўзлаб саноат маҳсулотларига буюртма беришлари керак. Шу мақсадда республикада савдонинг ҳамма бўғинларида аҳоли эҳтиёжларини ўрганиш пунктлари ташкил этилди.

Ўтган йиллар давомида савдо ва саноат корхоналари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Бунинг натижасида товарлар сифатини оширишга, хилларини кўпайтириш ва янгилашга эришилди.

Аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш, саноат корхоналари билан алоқани мустаҳкамлаш натижасида республикада кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 35 процент, жумладан шойи газламалар ишлаб чиқариш 55,9 процент, чарм-пойафзал ишлаб чиқариш 49,6 процент, чинни идишлар ишлаб чиқариш тўрт баравар кўпайди.

Тўққизинчи беш йилликда республикамизда юзлаб енгил саноат корхоналари қурилди ва реконструкция қилинди. Наманган шойи газламалар комбинати, Самарқанд чинни заводи, Гулистон тикувчилик фабрикаси, Бекобод металлургия заводидаги эмалли идишлар ишлаб чиқарадиган комплекс ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Ҳозирги вақтда оғир индустриянинг ҳамма корхоналари ҳам аҳоли учун товарлар ишлаб чиқармоқда. Улар 280—290 миллион сўмлик маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқармоқдалар.

Республика давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг моддий-техника базаси қўпгина мустаҳкамланди. Бу ишга беш йил мобайнида 326 миллион сўм сарфланиб, қурилиш-монтаж ишлари топшириғи ортиғи билан адо этилди. 396 минг квадрат метр саҳнли савдо корхоналари фойдаланишга топширилди. Картошка ва сабзавот омборлари сиғими 125 минг тоннага кўпайди. Умумтовар омборлари сиғими эса 163 минг квадрат метр ортди.

Умумий овқатланиш тармоқларини ривожлантиришга, айниқса саноат корхоналарида ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида ошхоналар, буфетлар тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Беш йил ичида умумий овқатланиш корхоналарида ўринлар сони 160 мингта кўпайди ва ҳозир бир вақтнинг ўзида ярим миллиондан энёд киши овқатланиши мумкин.

Савдо тармоғи сон жиҳатидан ўсибгина колмай, шу билан бирга сифат жиҳатидан ҳам ўсди: майда савдо корхоналари тугатилди, уларнинг қиёфаси ўзгарди. Сўнгги йилларда республикада йирик замонавий савдо марказлари, универсал ва ихтисослаштирилган магазинлар, ресторан ва ошхоналар, кафе ва чойхоналар қурилди. Улар архитектура жиҳатидан ҳам шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки бўлиб қолди.

Савдо ходимлари КПСС XXIV съезди ва ҳукуматимиз қарорларини бажара бориб, харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилайдиган, савдо маданияти даражасини оширадиган прогрессив савдо методларини актив жорий этдилар. Беш йил ичида харидорлар ўзларига-ўзлари хизмат кўрсатадиган магазинлар сони 8300 тага етди. Эндиликда ҳамма товарларнинг 63 проценти ана шундай магазинларда сотилаётир.

Республика савдо ташкилотларида ва корхоналарида олдиндан берилган буюртма бўйича товарларни харидорнинг ўйига ёки иш жойига етказиб бериш каби савдо тури бўйича ижобий тажриба тўпланди. Турли қўшимча хизматлар жорий этилмоқда. Савдонинг магазиндан ташқари формаси кенгайиб бормоқда.

Республикада савдони ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар 270 минг кишилик савдо ходимлари коллективларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Давлат ва кооператив савдоси системаларида савдо ходимларининг сифат составини яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш юзасидан катта ишлар олиб борилаётир. Беш йилликда олий ва ўрта маҳсус маълумотли савдо ходимлари сони анча кўпайди. Яхши тайёргарлик кўрган, ўз ишини севадиган минглаб кишилар савдога келдилар. Магазинларда, умумий овқатланиш корхоналарида хизмат қилаётган хотин-қизлар сони 54 процентдан 60 процентга етди.

Меҳнаткашларга савдо хизматини ривожлантиришда жуда кўп иш қилинди. Аммо, ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезднга лойиҳасида савдо хизматини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилган. Ўз ишимизга ҳозирги юксак талаблар даражасида назар ташлайдиган бўлсак, жиддий камчиликларимиз ҳам мавжудлиги яққол кўринниб қолади. Товар ресурсларини баравар тақсимламаслик ҳоллари тез-тез содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида базаларда ва омборларда етарли миқдорда бўлган товарлар магазинда кўринмай қолади. Савдо қондаларини бузиш ҳоллари ҳам бутунлай тугатилмаган. Ҳали республикамизда харидорлар талабига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ҳам бор. Бинобарин, биз товарларнинг сифатига қараб қабул қилиб олиш ишларини яхшилашимиз керак. Савдо ташкилотлари ишлаб чиқаришга таъсир ўтказишнинг иқтисодий воситаларидан ҳали ҳам тўла фойдаланмаётирлар. Магазинларнинг пештахталарида сифатсиз товарларнинг пайдо бўлишига, бинобарин, савдо ходимлари ҳам айблидир.

Саноат қадоқланган ва ўралган товарларни етарли ишлаб чиқармаётир. Оқибатда магазинлар ва базалар ўз кучи билан маҳсулотларни қадоқлаш ва ўрашга мажбур бўлаётирлар. Бу кам унумли иш бўлиб, чиқиндиларни кўпайтириб юбормоқда. Бундан ташқари очиқ совутувчи пештахталар, касса аппаратлари ва бошқа техника етишмаётир. Буларнинг ҳаммаси савдо хизматида прогрессив формаларни жорий этишга тўсқинлик қилянти.

Савдо корхоналарининг коллективлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиб, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашни ўзларининг асосий вазифаси деб биладилар.

Республика савдо ходимлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини зўр кўтаринкилик билан қутиб олдилар. Улар партиямизнинг бу программ ҳужжатини ўрганиб ва муҳокама қилиб, савдони янада яхшилаш резервлари ва имкониятларини қидириб топмоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда республика савдо ходимлари олдида масъулияти вазифалар турибди. Шуни айтиш кифояки, 1976 йилнинг ўзида товар-обороти 4,4 процент ортиши керак. Савдо корхоналари коллективларида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Республика савдо ходимлари халқ фаровонлигини янада ошириш вазифаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун ғайрат билан меҳнат қиладилар.

Ғ. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР савдо министри.

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси ёш коммунист Дилбар Қулматова машҳур тўқувчилар: Л. Казанцева, В. Солдатова, А. Верзилиналар ташаббусига қўшилиб, нормадаги 24 та ўрнига 48 та дастгоҳда ишлаётир. Суратда: Д. Кулматова,

Э. Миргиёсов фотоси.

А. А. ГРОМИКОНИНГ ЯПОНИЯДА БЎЛИШИ

ТОКИО, 12 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун Япония бош министри Т. Мики ҳузурида бўлди. Дўстона суҳбат чоғида Совет — Япония муносабатлари масалалари, шунингдек иккала томонни қизиқтираётган бир қанча актуал халқаро проблемалар тўғрисида гап бўлди. А. А. Громико билан Т. Мики совет ва япон раҳбар арбоблари ўртасида юқори доирада ўтказилаётган алоқаларнинг Совет—Япония муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун бўлган катта аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

Тушдан кейин А. А. Громиконни Япония императори Хирохито қабул қилди.

Шу куни А. А. Громико Япония бош министрининг ўринбосари Т. Фукула билан учрашди. Учрашув вақтида СССР билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантиришнинг баъзи масалалари муҳокама қилинди.

12 январь кечқурун Токиода Совет—Япония музокаралари тугади.

А. А. Громико Японияннинг раҳбар давлат ва сиёсий арбоблари, савдо-саноат доираларининг ва жамоат ташкилотларининг вакиллари шарафига зиёфат берди. Зиёфатда А. А. Громико ва Япония ташқи ишлар министри К. Миядзава нутқ сўзладилар.

* * *

ТОКИО, 13 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий визити тамом бўлганидан кейин бугун самолётда Москвага учиб кетди.

Совет ва Япония давлат байроқлари билан безатилган Ханэда аэродромида А. А. Громикони Япония ташқи ишлар министри К. Миядзава, Японияннинг СССРдаги элчиси А. Сигемицу, Совет Иттифоқининг Япониядаги элчиси О. А. Трояновский, Японияда социалистик мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари кузатиб қолдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари ва Гулистон уйсозлик комбинати қурилишида актив иштирок этганлиги учун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 7-қурилиш трести механизациялаштирилган 2-кўчма колоннасидаги комплекс бригадаларнинг бошлиқлари Оллонур Мемедсахатович **Сахатдурдиев**га ва Ортиқ **Худойбердиев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика қишлоқ хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси коллегиясининг аъзоси, янги техника бош бошқармасининг бошлиғи Василий Михайлович **Редкинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия, совет, хўжалик органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Бухоро область меҳнаткашлар депутатлари Когон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Анатолий Федорович **Королевни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Гулистон уйсозлик комбинатини қуриш ва ишга туширишда актив қатнашганлиги учун Гулистон уйсозлик комбинати қурилиши иштирокчиларидан бир группасини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ҚЎШ БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР

ПАРВОЗ

— Ойшахонни сўраяпсизми? — қайта сўради суҳбатдошимиз, Марғилон шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Иван Ильич Сухов. — Унинг ҳамма иши жойида. Уйида ҳам, ишида ҳам, саранжон-сариштилик. Марказкомда тўртлар ташаббуси маъқулланганидан бери гўё қанот чиқарган.

Ойша пастрақдаги стулларнинг бирига омонатгина ўтирди-да, қўлларини тиззаси устига қўйди. Салом-алигимиз аввал танишувга, кейин бизнинг муддаомиз мавзуига уланиб кетди.

...Ойшанинг ота-онаси бойлар эшигида батраклик, чўрилик қилди. Коллективлаштириш бошланди-ю, колхозга киришди. Эмина опа колхознинг биринчи зарбдорларидан бўлди. Қизи Ойша далага ҳар куни тушлик олиб бораётиб, колхоз идораси ёнидан ўтар, ойна остига қўйилган илғорлар сурати орасида ўз онасини ҳам кўриб, суюниб кетарди. Ҳар сафар то иш бошига етгунга қадар ўй суриб, йўл-йўлакай ўзига-ўзи ваъда қиларди: «Катта бўлсам сендек ишлайман, ойна остига менинг ҳам суратимни қўйишади, сенинг ёнингда тураман, «онаси» ва «қизи» деб ёзиб қўядилар...».

Қизалоқнинг айтгани келди. Орадан йиллар ўтиб, у юздан зиёд тармоқли улкан саноатимизнинг ишлаб чиқариш новатори, ветерани бўлди.

...1972 йил, ноябрь. Ойша тўққизинчи беш йиллик марраси-сини икки йилга етар-етмас вақт ичидаёқ уддалаб, ўнинчи беш йиллик ҳисобини очди! Беш йилликнинг қолган уч йили ичида яна бир беш йиллик топшириқни бажаришга, 80 минг метрдан зиёд шойи тўқишга сўз берди. Ленин орденли тўқувчининг янги мажбурияти аввал комбинат, кейин шаҳар ва область партия, касаба союз ташкилотларида маъқулланди. Касбдошлари Белла Стадниченко, Абдурайим Тўхтасинов, қўшни «Атлас» фирмасидан Абдуманнап Умаровлар ҳам унинг ташаббусига қўшилди. Кўп ўтмай, улар бошлаб берган қутлуғ ҳаракат республика Енгил саноат министрлиги коллегиясида муҳокама қилинди. Тошкентлик машҳур тўқувчилар Лидия Казанцева, Евгения Губиналарнинг ҳаракати билан олтилар ташаббуси деган тарихий ном олди. Олтови ҳам 1973 йилнинг бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида ҳисоб беришди.

...Ойша бюродан боши осмонга етиб чиқди. Тошкент аэропортида самолётга ўтиррркан, қалбини чулғаган ҳисларни ҳали-ҳали тасаввур қилолмайди: самолёт учишдан олдин узоқ гувиллаб турди. Кейин ўрнидан қўзғолиб, анча жойгача секин юриб борди. Тўхтаб, кучлироқ гувиллади ва тез юриб кетди. Шу кетишида у шиддат билан ердан узилди ва оёқларини йиғиб олиб, юқорига кўтарила бошлади. Ойша унинг учиш ҳаракатини диққат билан кузатиб бораркан, беихтиёр инсон боласининг ҳам умр йўлини ҳаёлида худди шу ҳолатга қиёслаб кўрди. Энг аввало, кўз олдидан ўзининг ҳаёт йўллари ўта бошлади.

Мамлакат тўқимачилик корхоналарида янги артикул бўйича шойи тўқишга киришилган кунлар эди. Биринчи кезлар анча қийин бўлди. Тўқувчилар янгича усулни жуда машаққат билан эгаллашар, ип узилиш қоллари тез-тез такрорланар, дастгоҳларнинг бири ишга тушса, иккинчиси тўхтаб қоларди. Ишчидан тортиб раҳбаргача ҳаммаларнинг кўнгли бирдек ғашланар ва гўё бу ишдан яхши натижа чиқиши қийин бўлиб туюлар эди. Корхона бошлиғи Ҳолмат Маҳмудов, цех бошлиғи Иброҳим Муҳиддинов, мастер Элдор Қодиров, бригадир Шокир Сўфиёновлар бамаслаҳат корхонада энг олдин Ойшанинг дастгоҳларини янги артикулда газмол тўқишга мосладди. Касбдошлари Белла Стадниченко, Ҳафиза Фахриддиновалар унга қанот бўлишди. Бу дамларни у самолётнинг ҳозирги—учишдан олдин гувиллаб туриши, олдинга қараб тез юриб кетишига ўхшатди.

...1968 йил. Костромалик машҳур тўқувчи Валентина Плетнева дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициентини яхшилаш даъвати билан чиқди. Ойша бу ташаббусга республика тўқимачилари орасида биринчилар қатори қўшилди. Плетневага хат ёзиб, мусобақага чақирди. Марғилонга таклиф этди. Кўп ўтмай Валентина Николаевна Ойшанинг уйида меҳмон бўлди. Бирбирининг иши ва мусобақа шартларининг бажарилиши билан танишди. Ўша йилнинг ярмига келиб, икки дугона баравар зафар қучишди. Саккизинчи беш йиллик топшириқлари уч ярим йилда адо этилди. У буни чинакам парвозга — самолётларнинг ярим йўлда тўхтаб олиши, кучлироқ гувиллаши ва тез юриб бориб, шиддат билан ердан кўтарилишига қиёс қилди.

Кейнги йили Ойша бир йўла олти дастгоҳда ишлашга ўтди. Узилган ипларни дарҳол топиб, тезлик билан улаш сирларини ўрганди. Дастгоҳлараро маршрутнинг энг қисқа масофаларини топди. Ҳар бир дастгоҳда соатига 1,77 метр ўрнига, 2,5-3 метргача шойи тўқиб, ипакчилик саноатида рекорд қўйди.

1975 йил, август. Унинг номи янги ташаббускорлар сафида яна тилга олинди. Улар тўрт киши, тўрт баҳодир эди. «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари — Борис Ефремов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси — Дилбар Қулматова, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг оператори — Аваззжон Валиев ва қаҳрамонимиз — Ойша Абдураҳмонова эди. Тўртови ҳам ишчи, коммунист, ташаббускор. Уларнинг мақсадлари битта, марралари юксак эди: тўққизинчи беш йиллик планлари ва ўнинчи беш йиллик дастлабки квартали топшириқларини барвақт уддалаш: меҳнатда энг юксак муваффақиятлар тўғрисида КПСС XXV съездига рапорт йўллаш ҳуқуқини олиш учун мусобақани авж олдириш, съезд шарафига янги социалистик мажбурият қабул қилиш.

...Ойша якунловчи йилнинг 14 декабрь куни биринчи смена-га ишга келди. Комбинатга кира туриб, одатига кўра киоска томон бурилди. Ўзи севган газеталардан олди. Уларнинг ҳаммасида муҳим сиёсий ҳужжат — ўнинчи беш йиллик лойиҳалари чоп этилганди. Ойша соатига қаради. Иш бошлашига ҳали анча бор. Корхона ҳовлисидаги скамейкаларнинг бирига ўтириб, лойиҳа сатрларига кўз югуртирди. Саноат ҳақида ёзилган қисмини қайта-қайта ўқиди:

— «...1980 йилда газламалар ишлаб чиқариш 12,5-13,1 миллиард квадрат метрга... етказилсин... юқори сифатли газламалар... ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин ва уларнинг хиллари кўпайтирилсин...».

Ойшанинг овоз чиқариб ўқиётганини кўрган Абдурайим ўтиб кетаётиб аввал унга сал тикилиб турди, кейин ҳазил аралаш гап қотди:

— Нима экан у, Ойша опа, ҳаяжондасиз?

— Берикел, ҳаяжонланадиган гап бор, ё аллақачон хабардормисан? — чақирди уни.

— Нимадан?

— Ўнинчи беш йилликнинг асосий йўналишлари босилибди. Ма, ўқи! — Ойша Абдурайимга қўлидаги газеталардан бирини тутди ва гапида давом этди. — Биласанми, бугун-эрта ҳамма жойда бунинг муҳокамаси бошланади. Комбинатимизда ҳам умумий йиғилиш бўлса керак. Ўшанда ҳу тунов кунги таклифни айтсак қандай бўларкан?

Абдурайимнинг ҳам дарров эсига тушди. Бир ҳафта бурун корхонада чет элларга туристик сафар билан бориб келган ишчиларнинг бир группаси ўз хотиралорини баҳам кўришгандик. Ўшанда уларнинг кўпи хорижий мамлакатларда Марғилон шойи-атласининг довруғи достон эканлигини фахрланиб гапирдилар.

— Бироқ, — деди у кўнглидаги гапини айтар экан,—мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган шойи газламалар ҳали миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам аҳоли талаби даражасида эмас. Биринчидан, ноёб, кам топилади. Иккинчидан, хиллари ҳам оз. Келгусида йиллик ва беш йиллик ишлаб чиқариш планлари тузилаётган пайтда давлат план комитетлари, министрликлар, тегишли тармоқлар ва муғасадди ташкилотлар уларнинг миқдорини ошириш, хилини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш борасида ҳам маълум тадбирлар белгиласа бўларкан.

Ойша айтгандек эртасига корхонада катта йиғилиш бўлди. Унда бутун завод коллективи ўнинчи беш йиллик лойиҳалари юзасидан ўз таклифлари, истаклари ,мулоҳазалари ва эртанги режалари билан чиқдилар. Сўз навбати Ойшага келди.

—... Лойиҳанинг енгил саноатимиз марралари кўрсатиб берилган қисмидаги «юқори сифатли газламалар ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин» дейилган сўзлар орасига «айниқса, шойи газламалар» деган жумла конкрет қилиб қўшиб қўйилишини таклиф қиламан,— деди у сўзи охирида юзлаб нигоҳларга бир-бир қараб чиқаркан. Залда қарсаклар янгради. Шундан кейин уни қувватлаб чиққанлар кўп бўлди. Энг биринчи Абдурайим Тўхтасинов сўз олди. Ҳамма икки ҳамкасб ўртага ташлаган масаланинг моҳияти юзасидан жондили билан гапирдилар.

Шу кунларда Ойшанинг онласида яхши кайфият. Тўнғич фарзанди онаси билан ёнма-ён тер тўкяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори, социалистик мусобақа ғолиби. Қизи — Сония педагогика институтини тугатиб, катта ҳаётга мустақил қадам қўйди. Ўртанчи ўғли — Ҳалит уйланиш бўсағасида. Кичкина Зуҳрахон нукул аъло баҳоларга ўқияпти.

— Уйга марҳамат, меҳмон бўлинг, — таклиф қилади Ойша. Унинг тиниқ кўзлари бахтдан, шодликдан кулиб туради.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ, КОМПОЗИТОР МУХТОР АШРАФИЙ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ артисти Мухтор Ашрафийнинг республикада театр ва музика санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматларини ҳисобга олиб, жамоатчиликнинг кўп марта изҳор қилган истакларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкент давлат консерваториясига Мухтор Ашрафий номи берилсин, деб карор қилдилар.

Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг бири Мухтор Ашрафий номи билан аталади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига Мухтор Ашрафийнинг ижодий меросини нашр этиш топширилди.

Мухтор Ашрафий кабрига унинг бюстини ўрнатишга қарор берилди.

БУТУН ОБЛАСТЬ—АУДИТОРИЯ

НАМАНГАН, 12 январь. (ЎзТАГ). Наманган область партия комитети сиёсий докладчиларидан 120 дан кўпроқ киши бугун область районларига жўнаб кетишди. Улар, меҳнат коллективларида «Ленин йўлидан — коммунизм ғалабаси сари» деган мавзуда доклад қиладилар.

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

редакция почтасидан

Кеча редакциямиз почтасига 62 та хат, учта фотосурат келди. Уларда шу куннинг муҳим масалалари қаламга олинган. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси барча совет кишилари қатори институтимиз коллективи томонидан ҳам қизғин кутиб олинди. Лойиҳа билан танишар экамиз унда партиямизнинг халқ фаровонлигини оширишда, соғлиқни сақлашда совет фани олдига улкан вазифалар қўйганлигини кўрамиз.

Лойиҳада жумладан «...инсон организми ҳаёт фаолиятининг физиологик-биохимик асослари соҳасидаги тадқиқотлар кучайтирилсин. Меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш проблемаларини тадқиқ қилиш давом эттирилсин» дейилади.

Шонли тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология бўлими асосида физиология институтининг очилиши партиямизнинг совет фанига тинмай қилиб келаётган ғамхўрлигининг яққол ифодаси бўлди. Институтимиз коллективи КПСС XXV съезди шарафига ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан якунлади.

Институтимизда меҳнат, дам олиш, овқатланиш режимларини рационал ишлаб чиқиш, баъзи касалликларнинг олдини олиш ва бошқа профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида организмнинг иссиқ иқлим шароитига мосланишининг физиологик масалалари ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари, биосферани муҳофаза қилиш соҳасида ҳам илмий ишлар олиб борилмоқда.

Олимларимиз партия белгилаб берган бу тарихий ҳужжатнинг амалга оширилишида бутун куч-ғайратларини ва билимларини аямайдилар.

Б. ЗАРИПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физиология институти касаба союз комитетининг раиси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

* * *

ЗАДАРЕ. «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар» деган нақл бор. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхози деҳқонлари буни яхши билишади. Шу кунларда барча куч ва восита ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йили мўл ҳосилига пухта замин яратишга қаратилган. Хўжаликда мавжуд қишлоқ хўжалик техникаси сифатли ремонт қилиняпти. Ҳозиргача 15 та чопиқ трактори, 200 дан кўпроқ борона, 10 та чизел, 12 та ҳайдов трактори ва бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари ремонтдан чиқарилди.

Бу ишни муваффақиятли адо этишда Цой Плотон, Жамолиддин Валиев, Тоштемир Ғойипов, Исмоил Турғунов, Холмамат Турсунов сингари ремонтчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Қ. АКБАРОВ.

* * *

БИРУНИЙ. Киров номли колхоз деҳқонлари ўтган йили гектаридан 44,6 центнердан пахта етиштириб рекорд кўрсаткични қўлга киритган эдилар. Уларнинг бу йилги кузлаган марралари янада катта. Ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш мажбуриятлари олинган. Улар ваъдага вафо қилиш учун кузги-қишки тадбирларни ишлаб чиқиб, уни тез суръат билан амалга оширмоқдалар. Ғўзапоядан тозаланган майдонларда чел олиш, шўр ювиш ва ариқ-зовурларни тозалаш ишлари график асосида ташкил этилган. Мавжуд майдонлар барвақт шудгорланиб, гектарига 8-10 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Ерларнинг шўрини ювиш ишлари давомида.

М. МУҲАНОВ.

ҚУРУҚ ВАЪДА

Куйбишев номли колхоз раҳбарлари спортдан гап очилса тескари қарашади. Чунки спорт ишкибозларига «Стадион, спорт заллари қуриб берамиз» деган ваъдани беравериб чарчашганда.

Хўжаликда физкультура ва спортга меҳр қўйган ёшлар кўп. Бироқ шароит яратиб берилмагани учун улар бўш вақтларини қаерда ўтказишни билмай ҳайрон.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан Ш. Қудратиллаев, самарқандлик Х. Саматов, андижонлик И. Тошматов, сурхондарёлик М. Раҳмонқулов, Х. Содиқов, челябинсклик Н. Крохин, наманганлик Х. Ботиров, Р. Ирисов, Қ. Тўраев, О. Мўминов ва бошқа ўртоқлар ҳам қизиқарли темаларда хат-хабарлар юборишган.

ҚУРУҚ ВАЪДА

Спорт инструктори Н. Қодирқулов ҳам хўжалик раҳбарлари берган ваъдаларни қувватлаб, кўп сонли спорт ихлосмандлари талаб-эҳтиёжини унутиб қўймоқда.

Биронта спорт тўгараги бўлмаган хўжалик ёшлари мутасадди ташкилотдан аниқ жавоб кутади.

А. АБДУЖАББОРОВ,
колхозчи.
Термиз райони.

...СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ЯНАДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

ҲОСИЛ КАЛИТИ МЕЛИОРАТОРЛАР ҚЎЛИДА

Гидрометеорологлар отрядлари Ўзбекистон дарёларини сув билан таъминлаб турувчи тоғлардаги қор миқдорини биринчи марта суратга олишни тугалладилар. Улар тоғлардаги қор запаслари унча кўп эмаслигини айтмоқдалар. Бу хулоса узил-кесил эмас, албатта. Бундан кейин яна қор ҳажми суратга олинади. Ҳозирча эса метеорологлар қор хазиналарини тадқиқ қилмоқдалар, мелиораторлар сув қабул қилиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар, эҳтимол кутилган сув танқислигини камайтириш лозим бўлган объектларни қурмоқдалар.

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ЎзТАГ мухбири Г. Кирхаджига ана шу ҳақда гапириб берди.

— Об-ҳаво шароитлари ва дарёларнинг ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар, — дейди Исмоил Ҳакимович, — биз ҳар бир гектар ерни сув билан таъминлашимиз лозим. Барча суғориш манбалари ҳисобга олинди, бу манбаларнинг запаслари ва уларни сув билан тўлдириш резервлари аниқланди. Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларида экинларни суғориш кизғин давом этаётган пайтларда суви кўп дарёларнинг сувини суви кам дарёларга оқизиш мўлжалланмоқда. Ҳар бир куб метр сувдан самарали фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Колхоз ва совхозлар далаларга оқизиладиган сувнинг текширилган нормаларини ҳисобга олган ҳолда сувдан фойдаланишнинг янги карталарини оладилар.

Жами узунлиги 321 километр келадиган янги каналларни қисқа вақт ичида қуриб битказиш зарур. Қорақалпоғистонда, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа областларда ана шундай каналлар қурила бошланди.

Саёзланиб қолган дарё ва каналлардан сув олиш билан иш тугалланмайди. Бу сувни сира нобуд қилмай далаларга етказиш муҳимдир. Сувни кўп шимиб оладиган салкам минг километр узунликдаги суғориш шохобчаларини бетонлаш мўлжалланмоқда. Бу тадбир бир неча миллион кубометр сувни тежаб қолиш имконини беради. Эскириб қолган каналларни реконструкция қилиш йўли билан сув оқишини кўпайтиришга эришилади. Бу каналларнинг ўзанлари тўғриланади ва уларга бетон ётқизилади.

Республика мелиораторлари қариб бир миллион гектар экинзорни суғориш қмконини берадиган бир мингдан кўпроқ насос станциялари ва қурилмаларига эга. Буларнинг шохобчалари кенгайтирилмоқда. Тез-тез саёзланиб қоладиган дарёларнинг қирғоқларига бу йил электр ёрдамида сув чиқариб берадиган 30 дан кўпроқ доимий насос станцияларини ўрнатишга қарор қилинди. Фарғона, Андижон, Қашқадарё ва бошқа областларда ана шундай иншоотлар барпо этилмоқда. Кучли насос станцияларининг тўла каскадга эга бўлган Аму-Бухоро машина каналининг иккинчи навбати ҳам ўнинчи бесш йилликнинг биринчи йили ҳосили учун хизмат қилади.

Суғориш даври бошлангунга қадар мавжуд сув омборларида 3,7 миллиард кубметр сув тўплаш мўлжалланмоқда. Бу — қатъий резервдир. Қурилаётган Чорвоқ денгизидан салкам бир миллиард кубметр сув олишни мўлжалламоқдамиз. Қарши даштидаги муваққат Толлимаржон сунъий кўли юз миллион куб метр сув беради. Қайроққум сувн билан Сирдарё ва Жиззах областларининг пахтазорлари суғорилади. Ҳозир Наманган, Фарғона ва бошқа областлардаги бир қанча районларда 14 та кичик-кичик сув омборлари ва тўртта селхона қуриш авж олдириб юборилди.

Суғориш баланси ер ости манбалари ҳисобига ҳам тўлдирилади. Ер ости сувлари кам бўлган районларда 1144 қудуқ қуриш ва уларни қайта ускуналаш, уларни суғориш шохобчаларига улаш кўзда тутилмоқда. Гидрогеологлар пармалаш нуқталарини ҳам белгиладилар. Янги қудуқларни қазиш учун ҳозир бу ерга техника келтирилмоқда.

Бу ерда эслатиб ўтилган ана шу барча тадбирларни жамлайдиган бўлсак, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, қўшимча сув резерви секундига 300 кубметрни ташкил этади, бу эса ўрта ҳисобда Зарафшон сингари дарёнинг сувини сарфлашга баравардир.

Йўл-йўлакай яна бир муҳим резерв тўғрисида — яхоб суви бериш ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу тадбир планда белгиланган 907 минг гектардан ҳозиргдаёқ 387 минг гектар ерда ўтказилди. Ерларни қиш маъсумида суғориш — бир вегетация ҳажмини тежаб, баҳор фаслида чигитнинг қийғос ва бир текис униб чиқишига эришиш имконини берадиган агротехника усулидир. Республикамизда барпо этилган қудратли қурилиш саноати сув хўжалиги ишларининг улкан программасини қисқа муддатларда бажариш имконини беради. Шу йилнинг бошида тўртта темир-бетон конструкциялари заводи ишга туширилди. Бу йил мавжуд корхоналар 175 минг кубметр йигма буюмлар ишлаб чиқаради, бу эса ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир.

Андижон области. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Чуканбой Бектошев Қўрғонтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг пешқадам чорвадорларидан биридир. У мана йигирма йил бўлдики, чорвачилик фермасида ишлаб, ўз касбини шарафлаб келаётир. Бектошев ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор топди, эл ҳурматини қозонди. Моҳир чорвадор ҳозир ўз боқимидаги 70 бош бузоқни семиртириб боқяпти. Суратда: Ч. Бектошев.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

САБЗАВОТКОРЛАР ДАВРАСИДА

Пойтахт областининг кенжа Тошкент районн сабзавоткорлари, соҳибкор-деҳқонлари, чорвадорлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили марралари, режаларини белгилаш учун Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти қошидаги техникум биносига тўпланишди.

Кенгашда район партия комитетининг биринчи секретари Юсуф Толипов 1975 йилда эришилган ютуқлар ва район олдида турган вазифалар ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси зўр қизиқиш билан ўрганилаётгани тўғрисида тўхталди.

Тошкент райони асосан сабзавотчиликка, ихтисослаштирилган. Район сабзавоткорлари, соҳибкор-деҳқонларининг асосий мақсади шаҳарликлар дастурхонини янада тўкин-сочин ва маъмур қилишга қаратилган. Улар шу мақсадга эришиш учун ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 83 минг тонна сабзавот, 24 минг тоннадан зиёд картошка, 8,6 минг тонна мева, 5,5 минг тонна узум етказиб беришга аҳд қилдилар.

Районда чорвачилик ҳам ривожланган. Карл Маркс номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Ленин йўли», Ильич номли, Ленин номли, Охунбобоев номли колхозлар шаҳарликларга кўплаб серқаймоқ сут ва бўрдоқи гўшти етказиб бериб, донг таратганлар. Бу хўжаликларда Мунаввар Исҳоқова, Фарида Аъзамова, Кутби Файзиева, Тўхта Каримова, Насиба Умматова, Тожи Исмоилова сингари пешқадам чорвадорлар хизмат қилишади. Ана шу жонкуярларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли район чорвадорлари шаҳарликларга 9500 тонна сут, 750 тонна гўшт, 800 минг дона тухум етказиб берадилар.

Сўзга чиққан Ильич номли колхознинг раиси Саъдулла Раҳматуллаев, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг ферма мудири Низом Эргашев, Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи Набихўжа Эшонов, картошка, сабзавот ва полиз экинлари илмий-тадқиқот институтининг директори Йўлбарс Каримов ва бошқа нотиқлар ҳам бу йилги улкан режалар ҳақида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилишди ва Оржоникидзе район деҳқонларини мусобақага чақиришди.

Ю. ЗИЁДОВ,
Тошкент области.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Болгариянинг 1975 йилдаги ташқи савдо товар оборотн 8,5 миллиарддан кўп валюта левни ташкил этди. Бунинг талайгина қисми халқаро ярмарималар ва виставкаларда тузилган савдо битимлари ҳиссасига тўғри келади. Болгария ўтган йили 24 ярмаркада ва ихтисослаштирилган 80 виставкада қатнашди.

ПАРИЖ. Умуммеҳнат конфедерациясининг даъватига мувофиқ бугун Франция тўқимачилик саноати корхоналарида иш билан таъминлаш йўлидаги ҳаракат ҳафталиги бошланди. Меҳнатчилар меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш учун бир қанча забастовка ва намойиш ўтказадилар.

БАЙРУТ. Яқин Шарқдаги энг йирик авиация компанияларининг бири деб ҳисобланган Ливан давлат «Мидл-ист эйрлайнс» авиа компанияси самолётларининг парвози мамлакатда танглик бошланган пайтдан буён 55 процент қисқарди. Пассажирлар ташиш 65 процент камайди. Авиакомпания ишчи ва хизматчилари федерациясининг раиси Э. Шая шу ҳақда гапирди.

АДДИС-АБЕБА. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг африка халқлари озодлик курашида уларга бераётган ҳар томонлама ёрдами бу халқларнинг озодлик ва мустақилликка эришувида ҳал қилувчи роль ўйнади, Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг бу ерда ўтказилаётган фавқулодда ассамблеясида Нигерия давлатининг бошлиғи Муртала Муҳаммад бугун сўзга чиқиб, шу ҳақда гапирди.

(ТАСС 12 январь).

ПЛАНЕТАМИЗДА

ЯҚИН ШАРҚДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК БЎЛСИН

НЬЮ-ЙОРК, 12 январь. ТАСС мухбири В. Матяш хабар қилади:

Бугун БМТнинг шу ердаги қароргоҳида Яқин Шарқ муаммоларини атрофлича кўриб чиқиш учун Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси очилди. Фаластин озодлик ташкилотининг делегацияси мажлисда қатнашиш учун таклиф этилди.

Исроил ҳукумати мажлисга ўз вакилини киритмоқчи эмас. Агрессив йўлни ўжарлик билан давом эттираётган Тель-Авив бу райондаги можаронн тинч бартараф этишга тўсқинлик қилишгина қолмай, шу билан бирга БМТ Бош ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларини ҳамон кўпол равишда менсимай келмоқда.

Тель-Авивнинг ҳаракатлари БМТнинг ўзида ҳам, бутун дунёда ҳам тобора қаттиқ қораланмоқда ва норозилик туғдирмоқда.

САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

КОПЕНГАГЕН, 12 январь. (ТАСС). Дания ташқи ишлар министри К. Б. Андерсен «Фремтиден» журналида босилиб чиққан мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: кейинги йилларда халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида катта натижаларга эришилди. Министр Совет—Америка муносабатларининг ривожланиши бунга анча ёрдам берди, деб уқтириб ўтади. У қуйидагиларни ёзади: стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасида СССР билан АҚШ ўртасида 1972 йилда тузилган битим, ядро урушининг олдини олиш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган битим, шунингдек ҳар икки буюк давлат ўртасида иқтисодий, саноат, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бошқа Совет—Америка ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эгадир.

К. Б. Андерсен яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Хельсинкида ўтказилган кенгашнинг Якунловчи акти имзоланганлиги Европа қитъасидаги воқеаларнинг ижодий ривожланишидан далолат берди. Кенгашнинг қарорларини амалга ошириш, деб таъкидлайди К. Б. Андерсен, ҳозирги пайтнинг асосий вазифасидир.

КОШИЦЕ МЕТАЛЛУРГЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

ЧССРда шу йил апрель ойида бўлиб ўтадиган Чехословакия Компартиясининг XV съезди шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилган. Мусобақа ташаббускорлари орасида Кошице шаҳридаги металлургия комбинатининг коллективи ҳам бор.

Кошице металлургия комбинати ўзининг дастлабки маҳсулотини 1964 йилда ишлаб чиқарган эди. Ҳозир корхона ҳар куни буюртмачиларга юзлаб тонна тунука ва бошқа маҳсулотлар жўнатмоқда. Агар беш йилликнинг биринчи йилида беш миллиард крондан ошиқроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, якунловчи йилда саккиз миллиард крондан зиёд маҳсулот тайёрланди.

— 1976 йил биз учун айниқса унутилмас йилдир, — дейди комбинатнинг бош инженери Михаил Вотшннар. Олтинчи беш йилликда бошланган барча ишлар ЧКПнинг XV съезди қарорларини амалга ошириш учун қаратилади. Бизнинг йигирма иккн минг кишилик коллективимиз олдида ҳам катта ишлар турибди. Дастлабки режаларга кўра янги беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми уч баравар ўсиши керак.

Корхона бунга асосий ишлаб чиқариш участкаларини модернизация қилиш туфайли эришади. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар турдош корхоналарининг илғор тажрибаларига таяниб, комбинат олдида турган муаммоларни ҳал этмоқда. СССРдаги Кривой Рог, Запорожье, Череповец металлургия заводлари билан мустаҳкам алоқа боғлаяпти. Келгусида совет мутахассислари ҳамкорлигида кўплаб домна печлари реконструкция ва модернизация қилинади. Бу эса корхонага ҳар йили қўшимча мингдаб тонна чўян ишлаб чиқариш имконини беради. Совет конверторларининг мартен цехида қўлланилиши йилига уч миллион тоннагача пўлат ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Шу кунларда коллективимиз комбинат реконструкциясига катта аҳамият бермоқда, — дейди прокат цехи партия бюросининг аъзоси Иозеф Шулик. — Янги беш йилликнинг биринчи йили планлари муваффақиятли ҳал этилишига ҳар бир металлург ўзига шахсий топшириқларини намунали бажариш билан ҳисса қўшади.

Милан БЕЛКО,
Чехословак журналисти.
(Прагопресс—АПН).

ЧИЛИ ХУНТАСИ ЗИНДОНЛАРИДА

ЛОНДОН, 12 январь. (ТАСС). Англиялик врач Шейла Кэссиди Чили махфий полициясн ўз қурбонларини сўроқ қилиш чоғида уларни азоблашнинг энг қабиҳ усулларидан кенг қўлланиб келаётганлигини кўрсатувчи янги далилларни келтирди. У хунта зиндонларида икки ой мобайнида азоб чекканидан кейин яқинда Англияга қайтиб келди. Пиночет фашист режимининг ёвузликлари тўғрисида Шейла хикоясининг иккинчи қисмини Лондонда чиқадиган «Санди миррор» газетаси эълон қилди.

Аёллардан бир неча киши менга, — деб гувоҳлик беради Ш. Кэссиди, — «Каса гримальди» (Сантьягода маълум бўлган учта азобхоналардан бири)да уларнинг кийим-кечакларини мажбуран ечиб олиб, оёқларини осмонга қаратиб дарахтга осиб қўйишганлигини айтиб беришди.

Ш. Кэссидининг ўзини эса «Каса гримальди»да азоблаганларидан кейин марказий қамоқхона—«Каутро аламос» қамоқхонасига ўтказиб, бу ерда унинг ёлгиз ўзини қамаб қўйдилар. Кейинчалик эса қўшни «Трес аламос» блокига ўтказишди. Бу ерда 500 сиёсий

Ш. КЭССИДИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

маҳбус, шу жумладан 120 хотин-қиз қамоқда ётибди.

«Трес аламос»да ётган маҳбусларнинг суҳбатидан мен шуни билдимки, деб хикоя қилади Ш. Кэссиди, уларнинг 90 процентидан кўпроғи ана шу дахшатлар зиндонидан ўтишган. Мен эски сув минорасида одамларни қийноққа солишганидан хабар топдим. Полиция ана шу минаранинг тубида бир қанча кичикнагина камералар қурганки, бу ерда маҳбуслар чўққа тушиб ўтира оладилар, холос.

Ш. Кэссиди қуйидагилардан гувоҳлик беради: менга кўпгина аёлларнинг айтишларича, бу аёлларни эрларининг ёки бошқа қариндош-уруғларининг кўз ўнгида қийноққа солишган.

Ш. Кэссиди Сантьягодаги кўчалардан бирига жойлашган азобхона тўғрисида ҳам хабар топган. Бу ерда хотин-қизлар ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан азобланади. Уларни электр токи билан азоблаб, айни пайтда номусларига тажовуз қилиш хавфи билан ҳамиша қўрқитиб келишган. «Каса гримальди» азобхонасига тушиб қолган юздан зиёдроқ киши кейинчалик ном-нишонсиз гумдон қилинганлиги ҳужжатлар ёрдамида аниқ исботланди, деб хабар қилди Ш. Кэссиди. Аёлларнинг менга айтишларига қараганда, уларни қамоққа олиб, азобхоналарда қийноққа солганларидан кейин маҳбусларнинг қариндош-уруғлари уларнинг аҳволи тўғрисида маълумот олишни истаганларида полиция бунга жавобан ҳеч нарсани билмаймиз, деб айтган ёки улар гўё қамоқдан чиқариб юборилган, деган.

Доктор Ш. Кэссиди Чили хунтаси махфий полициясининг шафқатсизлиги тўғрисидаги далиллардан иборат ҳужжатларни тўплаган. У ана шу ҳужжатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқини ҳимоя қиладиган комиссиясига топшириш ниятида. Ш. Кэссидининг шахсан ўзи комиссия ҳузурига бориб, айтганларини исботлаб беришга тайёр.

Жаҳон, — деди Ш. Кэссиди, — минг-минглаб кишилар Чилида ваҳшийларча қийноққа солинганлигидан, қурбон бўлганликларидан хабар топиши керак. Азоб-уқубатлар тўғрисида сўзлаб беришни мен ўз бурчим деб ҳисоблайман. Бу азоб-уқубатларга чек қўйилиши керак.

Югославия Социалистик Федератив Республикаси. Суратда: Белград шаҳри Республика майдонидаги Халқ музейи биноси.

В. Мастюков фотоси. (ТАСС).

АРГЕНТИНА КОМПАРТИЯСИ НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 12 январь. (ТАСС). Аргентина Коммунистик партияси коммунистларга, коммунистик ёшлар федерацияси аъзоларига ва мамлакатдаги бошқа тараққийпарвар арбобларга қарши қилинаётган репрессияларни қоралади.

Аргентина Компартиясининг баёнотида қуйидагилар таъкидлаб ўтилади. Компартия вилоят ташкилотларининг раҳбарларидан икки киши ва коммунистик ёшлар федерацияси активларидан бир киши қамоққа олинди. Бундан ташқари, полиция Аргентинанинг жанубидаги Комодоро-Ривадавия шаҳри давлат газ корхоналари касаба союзининг раҳбарларини қамоққа олди. Тукуман вилоятида Аргентина Компартияси ва коммунистик ёшлар федерациясининг айрим аъзолари, шунингдек университет студентларининг раҳбарлари қамоққа олинди ва ўғирланди.

Компартия халқ оммасини чўчитиш, уни қимматчилик ғоят авж олган ва реал иш ҳақи пасайиб кетган бир пайтда ўзининг ҳаққоний талабларини қондириш йўлидаги курашдан воз кечишга мажбур қилишга қаратилган бундай хуружларни қоралайди. Компартия репрессиялар мамлакатда конституцион тартиб-қоидаларни бузишга интилаётган олигархия ва империализмнинг манфаатларигагина хизмат қилади, деб таъкидлайди.

ИҚТИСОДИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ЙЎҚОЛМАЙДИ

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАҒЛАРИ

Капиталистик мамлакатларда ўтган 1975 йилнинг меҳнаткашлар учун ғоятда оғир, кулфатли давр бўлганлигини ҳатто чет эл буржуа иқтисодчилари, йирик жамоат арбоблари ҳам эътироф этмоқдалар. Буржуа газеталарида ҳам бу тўғрида кўпдан-кўп материаллар босиб чиқарилмоқда.

Швейцарияда чиқадиган меҳнат партиясининг органи «Вуа увриер» газетасидан келтирилган фикрлар ғоятда характерлидир. Утган йилдаги иқтисодий ва ижтимоий соҳада рўй берган барча машаққатлар бу йил ҳам ғарб давлатларида айнан шундай таҳлитда рўй бериши очиқдан-очиқ аён бўлиб қолди. Капиталистик дунёдаги иқтисодий тушкунлик, деб ёзади газета, айниқса социализм мамлакатларида саноат ишлаб чиқаришининг доимий ва шаҳдам равишда ўсиб бораётганлиги рўпарасида аянчли бир манзарани кўрсатмоқда. Олтита йирик капиталистик давлат—АҚШ, Япония, ҒФР, Франция, Англия ва Италияда саноат ишлаб чиқариши 1975 йилда ўрта ҳисобда 8,3 процент қисқарди.

Брюсселдан келаётган хабарларга қараганда «Умумий бозор» доирасидаги мамлакатларнинг ҳаммасида ишлаб чиқариш соҳасидаги тушкунлик тобора кенгроқ давом этмоқда. Европа иқтисодий ҳамкорлиги комиссиясининг берган хабарида бу ҳақда очиқдан-очиқ гапирилади. Ўтган йилнинг январь ойидан декабрь ойигача бўлган муддат ичида тўққиз мамлакатда пўлат эритиш 19 процентга камайди. Бошқа тармоқларда ҳам ана шундай паст даражадаги якунларга эришилди.

Америка Қўшма Штатларини қуршаб олган иқтисодий қийинчиликлар аввало меҳнаткаш халқнинг оғир машаққатлар гирдобига ташламоқда. Оддий америкаликлар мамлакатда авж олган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда ўз ҳукуматларига бўлган ишончларини йўқотмоқдалар. Яқинда конгресснинг бирлашган иқтисодий комиссиясида эшитилган докладларда бу ҳақда очиқдан-очиқ гапириб ўтилди.

Англия меҳнаткашларининг ҳам турмуш кечириш даражаси ғоятда пасайиб кетганлиги ҳақида расмий статистик маълумотларда рўй-рост гапирилмоқда. Ўтган йилнинг даставлабки тўққиз ойи ичида инглиз фуқароларининг турмуш даражаси 3,4 процентга қисқарганлиги расман эълон қилинди.

Италияда ҳам саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг ўн бир ойи девомида 10,7 процент қисқарган. Натижада меҳнаткашлар ўртасида ишсизлик авж олиб, аҳолининг турмуш кечириши тағин ҳам қийинлашди.

Ғарбдаги ривожланган капиталистик мамлакатларда рўй берган иқтисодий қийинчиликлар Швеция сингари бошқа мамлакатларни ҳам ўз гирдобига тортмоқда. Чунончи, Швецияда ҳам ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда, ишсизлик кўпаймоқда. Айниқса, мамлакатда ёшлар ўртасидаги ишсизлик кучайиб кетди. Ҳозирги пайтда расмий маълумотларга кўра, Швецияда 31 мингдан ортиқ ёш иш қидириб тентираб юрибди.

Кўпчилик капиталистик мамлакатларда ўтган йили нарх-навонинг кўтарилиши одат тусига кириб қолди. Чунончи, Голландияда ҳам кўпчилик озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишига қараганда, йирик қишлоқ хўжалик компаниялари томонидан ўтказилаётган сиёсат туфайли, яъни «Умумий бозор» доирасидаги бошқа мамлакатларда бу маҳсулотларнинг устама нарх билан сотилаётганлиги туфайли нархнаво ошиб кетишига сабаб бўлди.

«Мердека» газетаси шундай деб ёзади: «1976 йилда ҳам тасмани қаттиқроқ тортиб юришга тўғри келади». Индонезияда чиқадиган катта тиражли газета бу билан мамлакат жамоатчилигининг руҳини тўла акс эттиради. Чунки Индонезия янги йилга ғоятда қийин иқтисодий қийинчиликлар билан кирди.

Кўпчилик мамлакатларда турли идоралар ва ўқув юртларида бюджетнинг қисқариб бораётганлиги уларнинг фаолиятини сустлаштириб қўймоқда. Яқинда Чили университетининг проректори Энрике Дьэтини мамлакатнинг асосий ўқув юрти бўлмиш Чили университети учун ажратилган бюджетнинг қисқарганлигига қарши норозилик рамзи сифатида истеъфо бериб, ишдан кетишга мажбур бўлди. Хунтанинг университетларни молиявий жиҳатдан ўзларини-ўзлари таъминлаш юзасидан ўтказаётган сиёсати кўпчилик ўқув юртлари учун қимматга тушаётир. Шу туфайли бу йил мамлакатда студентлар сони яна 5 минг кишига қисқартирилади.

Бундай аянчли аҳвол бошқа капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётида ҳам акс этмоқда.

ТАРАДДУД

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози сабзавоткорлари йилдан-йилга катта меҳнат зафарларини қўлга киритиб келмоқдалар. Хўжалик коллективи тўққизинчи беш йиллик планини тўрт ярим йилда ортиғи билан адо этди, 1975 йилда эса давлатга ишлаб чиқариш планидаги 6200 тонна ўрнига 6600 тонна сабзавот етказиб берилди. Мева, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш, теплица хўжалиги ишини юритишда ҳам қувончли натижаларга эришилмоқда.

Пешқадам хўжалик сабзавоткорлари сифат ва самарадорлик беш йиллиги бўладиган ўнинчи беш йилликни ҳар томонлама муваффақиятли бошлаш учун мўл ҳосил ҳозирлигига барвақт киришдилар. Совхоз сув ичадиган 9400 квадрат метр ариқ ва зовурлар тозаланди. Мавжуд 40 та чопиқ ва ҳайдов трактори ремонтдан чиқарилиб, мавсумга шайлаб қўйилди. Тупроқ картограммасига амал қилган ҳолда далага уч минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди.

Сабзавотчиликда кўчат — мўл ҳосил онаси. Экиннинг ривожи, ҳосилдор бўлиши аввало кўчатнинг бақувват ва соғломлигига боғлиқ. Совхознинг парник ва теплица хўжаликларида хўжаликнинг эҳтиёжига етиб ортадиган миқдорда — 10 миллион карам, 5 миллион помидор, шунингдек кўплаб бақлажон, болғар гармдориси кўчатлари тайёрланади. Сепилган эртанги карам уруғи униб чиқди. Помидор кўчати тайёрланадиган чуқурларга маҳаллий ўғит ташиб қиздириб қўйилди.

Миришкор сабзавоткорлар баҳор мавсумига тайёргарлик кўриш билан бирга мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, қиш ва эрта кўкламда шаҳар меҳнаткашларига сервитамин маҳсулотлар етказиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ойнавандли ва плёнкали теплицалардаги бодринг ва помидор сўнгги теримдан чиқяпти. Октябрь ойида экилган майкоп навли помидор ранг бермоқда. Редиска, укроп, петрушка ўриш давом этаётир. Фақат январь ойининг ўзида теплица хўжалиги дўконларга 4 тонна маҳсулот чиқаради. Шунингдек очиқ далага полиэтилен плёнкаси остига экилган 7 гектар майдондаги сабзи, лавлаги ва ош кўки парвариши ҳадемай бошланади.

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан илҳомланган хўжалигимиз сабзавоткорлари, — дейди совхоз директори Тожихон Мелибоева, — ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ишчи ва хизматчилар дастурхони учун пландаги 6040 тонна ўрнига 6700 тонна сабзавот маҳсулоти етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Коллективимиз аъзолари берган сўзларининг устидан чиқиш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солдилар.

М. САМАДОВ.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё тажриба станцияси-нинг лаборатория мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати И. Шаҳмедов дуккакли ўсимлик-лар навини яхшилаш устида иш олиб бормоқда. Институт ходимлари арпанинг «ВИР-65» навини яратдилар. Ўнгдаги суратда: И. Шаҳмедов. И. Глауберзон фотоси.

Тошкент агрегат заводида ишчи кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ёш ишчилар тез кунда ҳунар ўрганиб, мустақил ишлашга ўтмоқдалар. 10-цех ишчиси Т. Латипо-ва ҳам тез кунда ўз касбини мукаммал ўрганиб олиб, ҳозирги кунда 6 та дастгоҳни бошқармоқ-да. Чапдаги суратда: илғор ёш ишчи Т. Латипова. А. Тўраев фотоси.

«Неделя» соврини

МИНИ—ФУТБОЛ БАҲСЛАРИ

Бу йил футбол чемпионатига ҳар қачонгидан бошқачароқ тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда футбол чемпионати икки мавсумли ўтиши бир янгилик бўлса, мавсумга ҳозирлик кўришда ҳам бирмунча ўзгаришлар бор. Жумладан, командалар чемпионатга пухта тайёргарлик билан боришлари учун 22 февралдан 15 мартга қадар мамлакатимиз жанубий шаҳарлари стадионларида ўзаро учрашувлар бўлади. Командалар икки зонага бўлинади. Биринчи зонанинг «А» группасида «Спартак» (Москва), «Зенит», «Черноморец» ва «Шахтёр» коллективлари ўзаро баҳслашиса, «Б» группасида «Локомотив», «Крилья Советов», «Нистру» ва «Днепр» командалари учрашадилар. Мавсум олдидан ўзига хос турнир сифатида ўтказиладиган бу учрашувлар бир даврали бўлиб, зоналарда 1—4 ўринлар аниқлангандан кейин, бир хил ўринларни олган командалар ўртасида 1-8 ўринлар учун учрашувлар ўтказилади.

Иккинчи зонаснинг «А» группасига «Динамо» (Минск) «Карпат», «Спартак» (Оржоникидзе), «Кузбасс» коллективлари киритилган. «Б» группада «Заря», «Пахтакор», «Нефтчи» ва «Рубин» командалари куч синашадилар. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи зонага олий ва биринчи лига командалари киритилган бўлиб, булар ҳам бир даврали учрашувларда иштирок этадилар. Мавсумга тайёргарлик турнирида биринчи ва иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган командалар СССР спорт комитетининг дипломлари билан мукофотланадилар.

«Неделя» ҳафталик газетаси соврини учун ўтказилаётган мини-футбол баҳслари ҳам мавсумга тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолмоқда. Совриндорлик учун кураш йилдан-йилга оммавий тус олянти. Катта футбол мавсуми олдидан ўтказилаётган бундай баҳсларни уч йил бурун пойтахт командалари «Спартак», ЦСКА, «Торпедо» ва «Локомотив» футболчилари бошлаб беришган эди. Мини-футбол шундан бери чарм тўп усталари-ю мухлисларга маъқул тушиб қолди. Мини-футбол иштирокчиларининг бу йилги давраси тагин ҳам кенгайди. Ўтган йили мазкур турнирда Москванинг 5 командаси қаторига София терма командаси ҳам қўшилган бўлса, бу йил Болгариянинг «Локомотив», Польшанинг «Висла» ва Чехословакия командаларидан бири ҳам мусобақа финалида иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Мини-футбол мусобақалари Киев, Ленинград, Тбилиси, Москва ва Тошкентда ўтказилмоқда. Кеча Ленинград группасига кирувчи «Зенит», «Динамо» (Ленинград), «Динамо» (Минск) ва Ростов-Дон армиячилари ҳамда Тбилисидаги спорт саройида маҳаллий динамочилар билан «Арарат», «Торпедо» (Кутаиси) ва «Нефтчи» командалари ўзаро куч синашувни бошлаб юборишдилар. Бугун эса Киевда «Шахтёр», «Днепр», «Заря» «Карпат», «Черноморец» ва мамлакат чемпионлари мусобақалашишга киришадилар. Жума куни эса, Москвада «Локомотив», ЦСКА, «Динамо», «Торпедо» ва «Спартак»дан иборат пойтахт командалари футболчилари финалга йўлланма олиш учун тўп сура бошлайдилар.

«Неделя» ҳафталик газетаси соврини учун кураш дастлаб республикамиз пойтахти — Тошкентда бошланади. Ўтган куни Тошкент трактор заводи спорт залида пахтакорчилар қатори «Крилья Советов» (Куйбишев), «Қайрат» ва Душанбанинг «Помир» командалари саф тортишди. Мини-футбол мусобақаси байроғи тантанали равишда кўтарилар экан, мавсум олдидан ўтказилаётган турнир иштирокчиларини республика спорт комитети раиси муовини Е. Кульков табриклаб, муваффақиятлар тилади. Шундан кейин залга «Пахтакор» ва «Помир» командалари тушдилар. Ҳар бири 30 минутдан иборат икки тайм дастлабки учрашув «Помир» футболчилари фойдасига хоккейча ҳисоб — 11:3 билан ҳал бўлди. Шу куни «Қайрат» ва «Крилья Советов» командалари учрашувида олмаоталиклар 5:4 билан галабага эришдилар. Тошкентдаги баҳслар 15 январгача давом этади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Советлар мамлакатида

◆ **ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ**

ТАЛЛИН Нарвадаги университет Эстониядаги энг яхши халқаро мунособатлар халқ университети деб топилди. «Жаҳон бугунги кунда» деб аталган университетда асосан шаҳар тўқимачилари ва энергетиклари шуғулланмоқдалар. Бу ерда лекциялар билан бир каторда думалоқ стол атрофида суҳбатлар ташкил қилинади, назарий конференциялар ўтказилади, ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Республика халқ университетлари активининг Таллинда бўлиб ўтган йиғилишида Нарва Халқ Университетининг иши намуна қилиб кўрсатилди. Ҳозир Эстониядa 244 та университет бор. Бу билим юртларида шуғулланаётганлар сони икки юз минг кишига етди.

◆ **ИРСИЯТ ПРОБЛЕМАЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА**

ТОЖИКИСТОН фанлар академиясида ғўза умумий генетикаси бўлими тузилди. Бу ерда ғўзанинг касалликларга бардош берадиган юқори сифатли янги навларини яратиш мақсадида ирсият проблемалари тадқиқ этила бошланди.

Тожикистон — мамлакатнинг пахта етиштирувчи асосий районларидан биридир. Республика олимлари шу техника экини хосилдорлигини ошириш устида самарали ишламоқдалар. Жумладан, ғўза зараркунандаларига қарши кураш учун таклиф этган метод кўпгина хўжаликларда жорий этилди. Далаларнинг ҳашарот тез учиши пайкалга учоқларигагина кимёвий ишлов берилмоқда. Қолган пайкаллардаги зараркунандалар кушанда ҳашаротлар — энтомофаглар ёрдами билан қирилмоқда. Эндиликда заҳарли дорилар ҳавони, тупроқни ва сувни булғамаяпти, пахта хосили эса гектар бошига 30-40 центнергача кўтарилди.

◆ **ИККИ БАРАВАР КЎПАЛДИ**

ЛЕБЕДИНСКИЙ (Белгород) кончилик-саралаш комбинатида иккинчи пиширш машинаси ишга туширилди. Унинг узел ва деталларини «Уралмаш» заводидан Курск магнит аномалияси районига ташиб келтириш учун иккита темир йўл состави керак бўлди. Биринчи агрегат сингари бу агрегат ҳам йилига 2 миллион 150 минг тонна темир руда концентрати ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

◆ **ЖАНУБИЙ ЯКУТИЯ ХАЗИНАЛАРИ**

ЯКУТИЯдаги геологлар Чулмакан кўмир конини фойдаланувчиларга топширдилар. Бу коксланадиган кўмир конининг запаслари 200 миллион тоннадан ошади. Кон ноёб Нерюнгрин кўмир конидан сал нарида жойлашган. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезди лойиҳасига муворфик Нерюнгрин кони базасида катта кўмир разрези қурилишини бошлаш мўлжалланади. (ТАСС).

АХБОРОТ

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

ФАРҒОНА. Район маркази — Водил тобора кўркамлашиб бормоқда. Қишлоқда кейинги уч йил мобайнида кўплаб уй-жой бинолари, марказий универмаг, озиқ-овқат, хўжалик ва маданий моллар магазинлари, умумий овқатланиш тармоқлари, маъмурий биноларқад кўтарди.

Яқинда район марказида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг очилиш маросими катта тантана билан ўтди.

М. ОРИПОВ.

СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИДА

САМАРҚАНД. КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган «Узсельхозтехника» Оқдарё район бирлашмасининг ёхил коллективи ўтган йили катта ютуқларни қўлга киритди. Бирлашма ишчи-хизматчилари тўққизинчи беш йиллик планини ортиғи билан бажардилар. Оқдарё, Пайариқ, Булунғур, Иштихон ва Жомбой районларидаги 200 дан ортиқ насос сифатли ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, яқунловчи йилда 1 миллион 698 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинди.

Бирлашма коллективи съезд очиладиган кунгача квартал планини бажаришга аҳд қилдилар.

С. ХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

БЕШ ЮЗИНЧИ КОНЦЕРТ

АНДИЖОН. Шаҳардаги «Ёшлик» магазин-мактаби ҳузурида ашула ва рақс ансамбли ташкил этилганига 9 йил бўлди. Завод ва фабрика клубларида, цехларда, дала шийпонларида ўз маҳоратларини намойиш қилаётган бадиий ҳаваскорлар меҳнаткашларнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган концерт кўрсатди. Шундан тўрт юзтаси область колхоз ва совхозларида, дала шийпонлари ва фермаларда кўрсатилди.

И. ҲАЙДАРОВ.

КИНО ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

БУХОРО. Қоракўл район кинодирекцияси меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатишда областа етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Янги кинофильмларни кенг кўламда реклама қилиш, томошабинларнинг таклиф ва истакларини ҳисобга олиш, сеанс пайтида фильмларни сифатли намойиш этиш туфайли молиявий планлар ҳам, меҳнаткашларни кинога жалб этиш планлари ҳам муттасил ошириб бажарилмоқда.

Район кинодирекциясининг илғор киномеханикларидан бири Арслон Асадов тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажарди. У шу вақт мобайнида 2400 га яқин сеанс бериб, молиявий планни 17 минг 954 сўм ўрнига 39 минг сўмдан ортиқ қилиб адо этди. Кинодирекция ходимлари орасида унинг издошлари кўпайиб бормоқда. Илғор киномеханиклар ўнинчи беш йилликда меҳнаткашларга кино хизмати кўрсатиш маданиятини тагин ҳам яхшилаш, белгиланган план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Ш. ХАБИБОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ВА БУРЧ

ШАХС ВА КОЛЛЕКТИВ

1942 йилдан КПСС аъзоси 72 ёшли Матвафо Юсуповни Хоразмда ҳурмат билан тилга оладилар. У Гурдан районидаги «Ленинизм» колхозига узоқ йиллар раислик қилган. Пенсияга чиққанига ҳам 10 йилдан ошди. Лекин отахон ҳамон жанговар меҳнат постида. Отахон Девонқул деб аталган қумлоқ этагида жамоатчилик асосида ер очиб, полизчиликни эрмак қилмоқчи бўлди. Эрмак деб бошлаган кичик иш Матвафо бувانинг ҳақиқий эҳтиёжига, ижодий изланишига айланиб кетди. Унинг ўзи ҳам бундан ўзида йўқ шод эди. Деҳқон учун она ер билан тиллашиб, дилдошлашиб яшалмаган ҳаёт, ҳаётми?! Матвафо бувانинг ва унга ўхшаганларнинг ҳаёт фалсафаси бу. Агар шу меҳр-муҳаббат билан у ер бағрини аллаламаганда, она ери ўз тилсимларини очармиди, очил дастурхонларини унга инъом этармиди?!

Бундай қалби ёш ва қайноқ кишиларни ҳамиша, ҳамма ерда қўллаб-қувватлайдилар, эъзозлайдилар. Матвафо бувانинг бу ҳайрли ишида колхоз раҳбарлари ҳам, ҳамкишлоқлари ҳам қараб туришмади. Олдинги йиллар 5-10 гектар ер ўзлаштирилиб, қовун экилди. Ҳозирда жами қовун майдони 46 гектарга етди. Қовун ҳосилини ҳар гектаридан 150 центнерга етказди. Сортовой қовун етиштирадиган тажриба участкасининг ўзи 6 гектар. Энг муҳими шундаки, атрофига ёрдамчи қучлар ҳам келиб қўшилди. 70 ёшли Жуманиёз Иброҳимов, 60 дан ошган Собир Қўрбонбоевлар Матвафо бувانинг яқин маслаҳатчиси ва кўмакдошлари.

Халқ селекционери сифатида танилган соҳибкор Матвафо Юсупов 36 нав қовун экипти. «Хива бешаги», «Гулобй», «Жинда ипроқ», «Қариқиз», «Оқноввот», «Гурвак», «Ширинпечак», «Озгин», «Ҳоммо», «Бегзоти» каби навлар отахон томонидан қайта тикланган. Бу навлар уруғи Украина, Белоруссия, Қиргизистон, Қозоғистон каби қардош республикалар ерларида ҳам туб қўйиб, палак отмоқда.

У неча бор халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг голиби бўлди. «Москвич» машинаси билан тақдирланди. 1973 йил Москвада ўтказилган қовун сайлида ҳам унинг меҳнати юқори баҳо олди. Матвафо Юсупов Ленин ордени кавалери.

Бундай бағри кенг ва оташ қалб кишилар халқ хўжалигимизнинг барча жабҳаларида юзлаб, минглаб бор. Уларни бир сўз билан давримизнинг илғор одамлари деб атагинг келади. Улар ҳар жиҳатдан етук кишилар. Ишда илғор, ҳар қандай одам билан тил топа оладиган, меҳрибон ўртоқ, дўст, ёшлар тарбиясида, муносиб ўринбосарларни вояга етказишда жонкуяр.

А. Девятова, Б. Жўраева, Л. Казанцева, В. Солдатова каби юзлаб ажойиб ишчиларимизнинг мураббийлик ҳаракатидаги жонфидоликлари ҳамманинг оғзига тушди. Улар ўзларидаги билим ва тажрибаларини ёшларга иш вақтида ҳам, ишдан кейин кейин қолиб ҳам ўргатмоқдалар. Ёшларнинг илғор ишчи бўлишгина эмас, ажойиб инсон бўлиб камолга етишувларида худди ота-онадек жон куйдирмоқдалар.

В. И. Ленин «Мусобақани қандай уюштириш керак» деган мақоласида бундай кишиларга: «...Улар бу иш майдонида ўзларини кўрсата оладилар. ўзларининг лаёқатларини ўстира оладилар, талантларини юзага чиқара оладилар ва бу талант ҳамда қобилиятлар эса халқда тўлиб-тошиб ётибди...» деб юксак баҳо берган эди.

Дарҳақиқат, маҳаллий Советларнинг депутатлари, штатсиз инструкторлар, штатсиз лекторлар, халқ контроли аъзолари, жамоатчи дружиначилар, маҳалла ободончилиги билан шуғулланаётган юзлаб активлар олиб бораётган беминнат ва улкан ишларнинг кўлами, ниҳоят социалистик мусобақаларнинг мукобил ишларнинг ҳайратомуз кўрсаткичлари улуғ доҳий башоратларининг нақадар ҳаётий ва ҳаққонийлигини яна бир бор намойиш этмоқда. Бу совет кишиларининг нақадар вояга етганлигини, ташаббускор, қаҳрамон халққа айланиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Зиёқка бормайлик, зилзиладан кейинги Тошкентни қайта қуришдаги умумхалқ хашари жамоатчиликнинг нақадар катта куч эканининг ёрқин намойишига айланмадими?! Ҳа, ҳали кўп йиллар, асрлар ўтади. Лекин ҳамжиҳатлашиб, дўстлашиб, қардошлашиб ишлашнинг буюк рамзи сифатида янги Тошкентнинг бунёд этган умумхалқ хашари тиллардан-тилларга достон бўлиб қолаверади.

Жамоатчилар юксак онг, халқ ва жамият олдидаги чуқур масъулият ҳисси билан тўлган давримиз кишиларининг етук, баркамол вакилларидир. Жамоатчилар коллективларнинг юраги. Уларда коллективларнинг ташвиш ва интилишлари, ютуқ ва орзулари ўз аксини топади. Улар ажойиб ташаббусларни бошлаб бериб, бошқаларни ҳам бунга чорлайдиган ҳормас ташкилотчилар. Улар партия ва совет ташкилотларининг энг яқин ёрдамчилари ва маслаҳатчилари. Уларга ишонадилар, уларга суянадилар. Улардан ажойиб раҳбар кадрлар вояга етади.

Маълумки, раҳбарлик лавозимларига кадрлар танлаганда биринчи галда кадрнинг жамоат ишларидаги ўрнига аҳамият берилади. Чунки раҳбар биринчи навбатда одамлар билан ишлашда обдон чиниққан, одамларнинг ёстак ва интилишларига ҳозиржавоб ва бу ишда ўрнак бўла олган ходимдир. Шундай экан, жамоатчиларни коллективлар вояга етказади, тарбиялайди. Жамоатчилар ўз тажрибалари ва иш услубларини ёшларга ўргатиб борадилар. Ҳар соҳадаги каби бу ишда ҳам ўринбосарлар тайёрлаш коллективларни жонажон ишига айланмоғи керак. Лекин баъзида хизматчининг оиласий шароити ёки иштиёқи ҳисобга олинмаган ҳолда унга жамоат ишлари топширилади. Бажара олмаса, уни қойидилар, мажлисларда уялтирадилар. Шуни ҳисобга олиш керакки, жамоат ишлари мутлақо ихтиёрий бўлиб, унга мажбур этиб эмас, одамларни қизиқтирмоқ керак. Улар бу ишни севиб қолсинлар ва жамоат ишларига ўзлари интилсинлар.

Шундай тонфадаги кишилар ҳам борки, улар иш ҳаки олиб ишлайдиган вазифадан бўлак топшириқни тан олмайдилар. Коллективнинг ичида ишаб туриб, унинг манфаатларидан ўзларини онгли равишда олиб қочадилар. Буларни тарбиялаш керак. Ҳа, ўзига ҳос тактика ва салоҳият билан тарбиялаш керак. Одамни тарбиялаш жуда қийин вазифа. Лекин бизнинг ажойиб жамоатчиларимиз бунинг ҳам уддасидан чиқмоқдалар. Аввало улар ўз ҳаётлари, меҳнатлари одамларни севиш, уларнинг бахти йўлида жонини ҳам аямаслик билан шахсий ибрат кўрсатмоқдалар. Бу юз бор айтилган насиҳатдан кўра кишига таъсирлироқдир. Бу борада жамоатчиниинг яна бир фазилати кулф уради: жамоатчи-тарбиячи.

Тўғри йўлдан адашган кишиларни ҳам ҳаётга қайтаролган. қайта тарбиялайолган ажойиб жамоатчиларимиз бор. Уларнинг бу олижаноб юмушларида ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ёрдамлашмоғимиз лозим. Зероки, ватан, эл равнақи ҳамманинг манфаати, ҳаммаминг келажаги учун экан, жамоатчилик ҳам ҳаммаминг бурч ва масъулиятига айланмоғи керак.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Самарқандлик уста А. Мухторов ясаган сопол буюмлар нафислиги, бўёқларининг сержилолиги билан ажралиб туради. Уста яратган сопол ўйинчоқлар Тошкент, Москва, Польша, Болгария, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатлар музейларининг кўргазма залларида намойиш этилмоқда.

Суратда: уста А. Мухторов шогирди И. Воҳидов билан.

Р. Ғофуров фотоси, (ЎзТАГ).

Ҳар тўғрида

«ҚАНОТЛИ ФАРМАЦЕВТЛАР»

«Содна» нашриётида асаларн ва ариچилик тўғрисида грузинча-русча ва русча-грузинча терминлар луғати босилиб чиқди. Унда қариб 10 минтта сўз бор. Луғат автори Грузия Фанлар академияси марказий ботаника боғининг ходими, биология фанлари кандидати Зураб Макашвили ҳозир асаларичиликка доир русча-грузинча-французча-немисча луғат тузиш устида иш олиб бораяпти.

Олим асаларичилик тарихи билан кўп йиллардан бери бериб шуғулланиб келяпти. У асаларилар тўғрисида Ватанимизда ва чет элларда босилган жуда кўп китоблар ва материалларни йиққан. Унинг шахсий кутубхонасида икки минг томдан ошиқ махсус адабиёт, кўпдан-кўп ноёб материаллар, асаларн тасвири туширилган фотосуратлар, маркалар, тангалар, медаллар, ёрлиқлар, мутахассисларнинг айтган фикрлари, асаларилар тўғрисида ҳикоя ва шеърлар бор.

Масалан, бу ерга келиб, асаларичилик билан жуда қадим замонларда ҳам шуғулланишганлигини билиш мумкин. Ғорларнинг деворларидаги тасвирлар шундан далолат беради. Ҳозирги вақтда биргина бизнинг мамлакатда 10 миллион асалари оиласи бор, яъни жаҳондаги жамики асаларилар-нинг тахминан чораги боқилади. Қариб ҳар куни мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларидан, Берлин, Прага, Варшава, Париж, Римдан юборилган мактублар унинг иш столига кўйилади. Асаларичилар ҳамкасбларига маслаҳат сўраб мурожаат қиладилар, тажриба якунларини у билан бирга муҳокама қиладилар, илмий асарларини айрибошлайдилар. Унинг тадқиқотлари асаларичиларнинг Братиславада ўтказилган халқаро симпозиумида «Кумуш асалари» нишони билан тақдирланди.

Олим асаларичилик тўғрисидаги луғатининг русча қисмини Украина, Арманистон ва Эстониядаги ҳамкасбларига топширди. Улар бу қимматли маълумотларни она тилларига таржима қилаяптилар.

Р. ДАВИДОВ,
ТАСС мухбири.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.50 — ТОШКЕНТ. 17.55 — Болалар учун концерт. 18.25 — «Миллионлар ленинча университети». 18.40 — КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари. 19.10 — **«Ахборот»**. 19.25 — «Нафосат оламида». 19.55 — «Тўқиз инчи студия» (Москва). 20.55 — **«Ахборот»**. 21.15 — «Партия планлари — халқ планлари». 21.30 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Спорт программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — **«Қирол Лир»** (бадиий фильм, 1-серия). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — **«Орқага қайтиш йўқ»** (телевизион бадиий фильм, 1-серия). 20.05 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Қизиқарли математика.

Кино

Амрапали — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00), «НУКУС» (11.00, 14.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.0, 18.00, 19.20, 21.00), «НУКУС» (17.00, 19.00, 21.00).

Жозибали бахт юлдузи —

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: жисмоний тарбия ва спорт (фан кандидати);

кафедра мудирлари: чизма геометрия, илмий коммунизм, сиёсий иқтисод (доцентлар, фан кандидатлари);

кафедра катта ўқитувчилари: автомобилда юк ташиш (фан кандидати), рус тили, чизма геометрия, назарий механика, жисмоний тарбия ва спорт;

кафедра ассистентлари: автомобилда юк ташиш, назарий механика сиёсий иқтисод;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (баскетбол, велосипед, гимнастика), рус тили.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, К. Маркс кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 15.00, 21.00).

Винчету Инчу-Чун ўғли — «ДРУЖБА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.30).

Буни биз ўтмаганмиз — «БИЛИМЛАР УЙИ» (жуфт соатларда).

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/I да **Уйланиш**. МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/I да **Туркман қизи**.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ЎЗБЕКИСТОН АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: ташкилий-методика, лаборатория (биохимик), бўлинмалар: акушерлик, гинекология, эндокринология, перинатология (медицина фанлари докторлари ва кандидатлари);

натта илмий ходимлар: лаборатория бўлими (2-ўрин — патоморфолог, иммунолог), бўлинмалар: акушерлик, перинатология, гинекология (медицина фанлари кандидатлари);

кичик илмий ходимлар: ташкилий-методика бўлими, лаборатория бўлими (3-ўрин — биохимик, иммунолог, патоморфолог) бўлинмалар: акушерлик (6), гинекология (3), перинатология (2-акушер-гинеколог, педиатр), эндокринолог (2).

КОНКУРС МУДДАТИ — 10 ФЕВРАЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700069, Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 272-уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: илмий коммунизм, иқтисод ва сув хўжалигини ташкил қилиш, машинасозлик технологияси, материалшунослик.

КОНКУРС МУДДАТИ —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, ГҚП, Қориннёзий кўчаси, 30-уй, 130-хона, кадрлар бўлими.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. — 03132. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 10.